ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР

Ғўзани шамоллатинг * Карта чеккаларидаги дарахтларни бутанг, ёввойи ўтларни ўриб ташланг * Суғоришни сира сусайтирманг * Ғўза туплари ётиб қолмасин * Пайкалларда ҳосилни тўла сақлаб қолинг * Йиғим-терим яқин: „зангори кема"ларни, транспорт воситаларини, хирмонларни, тош-тарозиларни тезроқ тахт қилинг!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 158 (3130). | Шанба, 14 август 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ТУРКИЯ БОШ МИНИСТРИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 13 август. (ТАСС). Туркия Республикаси бош министри Суат Хайри Ургуплу ва унинг ҳамроҳлари бугун Москвадан Киевга жўнаб кетдилар.

Туркия ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган 2-Внуково аэродромида бош министрни А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари П. Ф. Ломако, В. Н. Новиков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Фахрий қоровул саф тортиб турди, ҳар иккала мамлакатнинг давлат гимнлари ижро этилди.

Дўстона визит

Афғонистон деҳқончилик министри Муҳаммад Носир Умар Кешаварз Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан танишди. У, Афғонистон подшоси Муҳаммад Зохир Шоҳ ва малика Умайранинг Москвага қилган сафарида уларга ҳамроҳ бўлиб келган эди.

Министр ўз ходимларидан бир группаси билан биргаликда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида бўлди, бу ерга қўйилган суғорилдиган деҳқончилик машиналари комплексини кўздан кечирди. Бутун дунёга довруғи кетган совет пахта териш агрегатларини меҳмон қизиқиб томоша қилди.

Афғонистонлик меҳмонлар селекция ва уруғчилик институтини, Халқоддаги агрономия ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрдилар.

Муҳаммад Носир Умар Кешаварзни Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри Н. Д. Худойбердиев қабул қилди.

13 августда Афғонистон министри ва унинг ҳамроҳлари Тошкентдан Қримнинг жанубий соҳилига жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ПРОПАГАНДИСТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

13 августда Тошкентда партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимлари ходимларининг партия маорифи системасида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида Ўзбекистондаги область газеталарининг редакторлари, шунингдек Тошкент областидаги шаҳарлар, районлар, бир қанча заводлар, колхоз ва совхозлар партия комитетларининг секретарлари иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

Уддабурон деҳқонлар «оқ олтин» ҳосили тўплашда сўнгги ҳал қилувчи давр ҳисобланган ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланмоқдалар. Янгийўлдаги Назарали Ниёзов номли колхоз пахтакорлари ҳам ҳар бир пайкалда, ҳар бир қарич ерда, ҳар бир туп ғўзада иложи борича кўпроқ нўсак ҳосил қилишга ошиқишмоқда. Бу нурашда кўплар қатори тажрибали сувчи Холдорбой ота Умаровнинг ҳам хизмати катта бўляпти. У эгатларга кечаю-кундуз сув тарамоқда. Холдорбой ота ишлаётган звено аъзолари бу йил гектар бошига камида 30 центнердан хирмон кўтаришмоқчи. Ҳозир ҳар туп ғўзада 10—12 тадан тўқ нўсак санаш мумкин. Суратда: сувчи Холдорбой ота Умаров.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

СПОРТДА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

«СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ҚАНДАЙ ОЖАЙИБ-А! КУЧ-ҚУДРАТИНГ ТЎЛИБ ТОШГАНИ ВА БАРДАМЛИГИНГДАН ТОҒНИ ТАЛҚОН ҚИЛГУДЕК БЎЛАСАН» деб ёзган эди жаҳонда биринчи космонавт учувчи Юрий Гагарин.

Ҳа, физкультура билан ошно бўлганларни эпчиллик, қувноқлик, бардамлик, ёшлик хислатлари ажратиб туради. Бугун ана шу ажойиб кишилар байрами — Бутуниттифоқ физкультурачилар Куни. Бу кун умумхалқ тантаналари каби кенг нишонланади.

Ҳар бир касб, соҳа кишилари каби физкультурачилар ҳам ўз байрамларини муносиб кутиб олмоқдалар. СССР касаба союзлари спортчиларининг Москвадаги VIII спартакиадаси бунинг ёрқин намунасидир. Касаба союзлари спартакиадаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги арафасида ўтадиган СССР Халқлари IV спартакиадаси ва Мексикода бўладиган навбатдаги олимпиада ўйинлари олдидан катта воқеа бўлди. Чинакам халқ спартакиадасига айланиб кетган бу оммавий мусобақанинг ҳамма босқичларида 15 миллионга яқин киши стартга чиқди. Республика спартакиадасида ғолиб чиқиб Москвага йўлланма олган вакилларимизнинг юзлари ёруғ бўлди. Айниқса, сузувчилар, велосипедчилар, баскетболчи қизларимиз, эшкак эшувчилар, мерганларимиз юқори кўрсаткичларга эришдилар. Москвадаги финал мусобақалар республикамиз, шу жумладан областимиз ва Тошкент шаҳри физкультура ташкилотларининг ишларига катта синовдир.

Бутуниттифоқ ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда ажойиб муваффақиятлар билан Ватанимиз шуҳратига-шуҳрат қўшаётган тошкентлик йигит-қизларнинг номлари тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Жаҳон рекордчилари сузувчи Светлана Бабанина билан моделчи С. Отақулова, олимпиада ўйинларининг мукофотини олган гимнастикачи Сергей Диамидов ва сузувчи Наташа Устинова ҳамда мамлакатнинг энг кучли спортчилари ҳисобланган С. Шарипов, М. Исмонлов, Н. Черноглазов ва Валнулевларни эндиликда ким билмайди дейсиз? Физкультура ҳаракатидаги бу машъаллар кетидан янги-янги талантлар етишиб чиқмоқда.

Табиийки, талантлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Қаерда спортнинг оммавийлигига эътибор берилган, уюшқоқлик кўрсатиб, тез-тез қизиқарли мусобақалар ўтказиб турилган бўлса, ўша ерда ана шундай маҳоратли ёшлар ўзларини кўрсата оладилар.

Ўзбекистон Компартия с и Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг яқиндагина қабул қилган қарорида ҳам физкультура ҳаракатида оммавийликка эришиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Республика партия ва ҳукумати Ўзбекистонда физкультура ва спортни янада ривожлантириш ва СССР халқлари IV спартакиадасига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган бир қатор тадбирлар белгиладилар.

Партия комитетлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашлар депутатлари Советлари олдига қўйилган вазифа шундан иборатки, улар физкультура ва спортга эътиборни кучайтирсинлар, жисмоний ва тарбиявий масалаларни мунтазам равишда, ишнинг кўзини билган ҳолда ҳал қилсинлар. Шундагина 1967 йилга келиб республика бўйича 2 миллион кишини спортга жалб қилиш, физкультура ҳаракатининг моддий базасини кенгайтириш ва Бутуниттифоқ миқёсида бирмунча юксак спорт натижаларига эришиш мумкин. Бунга областимиз физкультура коллективлари ҳам катта ҳисса қўшишлари керак.

Областимизда спорт билан шуғулланаётган кишилар 180 мингга етиб қолди. (Тошкент шаҳри бу ҳисобга кирмайди), лекин бу ҳали қониқарли эмас. Аҳоли жон бошига олганда физкультурачилар сони ҳам, спорт ишлари даражаси ҳам бизда Бутуниттифоқ кўрсаткичларига етганча йўқ. Енгил атлетика, волейбол, баскетбол, стендга отиш каби спорт турлари кам тараққий қилган. Олий ўқув юртларидаги спорт ишларининг аҳволи қувончли эмас. Мавжуд спорт иншоотлари торлик қилиб қолди. Шунинг учун ҳам янги-янги стадионлар, сув хавзалари, спорт заллари қуриш мўлжалланаётир. Тошкент ёш пионерлар стадиони, ипподром, 10—15 минг кишилик спорт саройи, «Пахтакор» стадионини кенгайтириш, бу стадион ёнидаги енгил атлетика манежи қурилишини тугаллаш планлаштирилган. Спорт ишларининг бундан кейинги жонланиб кетиши бинокорлар, инженер ва конструкторларнинг қанчалик тез ҳаракат қилишларига боғлиқ.

Шу билан бирга жуда катта табиий имкониятлардан ҳам фойдалана билиш керак. Бизнинг шароитимизда бир йилнинг тўққиз-ўн ойи мобайнида очиқ ҳавода, майдонларда жисмоний машқларни ўтказиш мумкин. Ҳамма ерда енгил павильонлар ташкил қилса бўлади. Бунинг учун ортиқча меҳнат ва маблағ талаб қилинмайди. Ғайрат, қунт, эътибор ва уюшқоқлик бўлса бас. Бу жиҳатдан Фрунзе районидаги 19, Киров районидаги 12-ва 29-уйжой конторалари аҳолисидан ўрнак олиш керак. Болалар спорт майдончалари, шахматшашка павильонларини уларнинг ўзлари бунёд этишган. Аҳоли кечқурунлари бу кўнгилочар жойларда қизиқарли спорт мусобақалари ўтказади.

Қишлоқлар, район марказлари меҳнаткашларида спортга муҳаббат уйғотиш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Илғор колхоз-совхоз физкультура ташкилотлари, қишлоқ командалари ва жамоатчи тренерларнинг тажрибаларини кенгроқ ёйишлозим. Областимизнинг «Политотдел», Свердлов номли, «Қизил Ўзбекистон» колхозларини ҳар жиҳатдан ҳам намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Бу хўжаликларга қишлоқ меҳнаткашларининг даладаги фидокорона меҳнати билан бирга спортчиларнинг маҳорати ҳам катта шуҳрат келтирмоқда. «Политотдел» колхози правлениеси янги стадион қуриш учун бир миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, коммунистик жамиятнинг ҳар томоилама гармоник ривожланган қурувчиларини тарбиялаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир.

Бугун ўз байрамини нишонлаётган физкультурачиларимизга меҳнатда, ўқишда, спорт майдонларида янги муваффақиятлар тилаймиз.

МАШИНАЛАР ШАЙ БЎЛСИН

1-«Пискент» совхози далаларини кезган кишида совхоз коллективи пландаги 7 минг 400 тонна ўрнига 8 минг тонна пахта берамиз, деб олган социалистик мажбуриятини сўзсиз бажара олади, деган ишонч ҳосил бўлади. Улар чакана меҳнат қилмаганлар. Чунки кенг пайкаллардаги ғўзалар йилдагидан кўра бўлиқ, серҳосил ва эртаги. Гектарлар тўла, кўчатлар сероб. Совхоз деҳқонлари катта ишонч ва зўр умид билан меҳнат қилмоқдалар.

Баъзи кишилар ўтган йилги ишларни эслаб аттанг, деб қўядилар. Армонда қолганликларини изҳор қиладилар. «Пахтамиз яхши бўлган эди-ю, лекин суриштирмай эртароқ дефолиация қилиб, бор ҳосил тўкиб юборилган эди. Натижада план 90 процентдан ошмади», дейдилар.

Ўтган йили совхозда пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарилмаслигига фақат бугина эмас, машиналар билан пахта териш ёмон уюштирилганлиги ҳам сабаб бўлди. Масалан, далаларда юзта пахта териш машинаси ишлаган бўлса ҳам ўрта ҳисобда ҳар бир машина билан терилган пахта 18 тоннадан ошмади. Ҳатто айрим машиналарнинг бункерларидан бутун мавсумда 3—4 тоннадангина пахта тўкилди. Машиналарнинг умри шу зайлда беҳуда ўтди.

Хўш, бу йил етиштирилган мўл ҳосилни машина билан теришга қандай тайёрлик кўрилаяпти. Ўтган йили бу соҳада йўл қўйилган хатолар қандай тузатилаяпти?

Аввало пахта териш машиналарининг сони юзтадан 110 тага етказилди. Совхоз бош инженери Ўрток Ғуломназир Турдиохуновнинг айтишича, машиналар ремонти ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ бошланган. Бу шубҳасиз яхши. Аммо ҳозиргача 76 та ХВС—1,2 маркали машинадан 47 таси, 34 та ХТ маркали машинадан 27 тасининг аппарати ремонтдан чиқкан. Кўрининг турибдики, ремонт 1964 йилнинг декабрь ойида бошланган бўлса ҳам ҳали 46 машинанинг ремонтига қўл урилмаган. Бундан номигагина ремонт давом этганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Бунга бир томондан совхознинг ўзида ремонт ишлари суст давом эттирилаётгани сабаб бўлса, иккинчи томондан зарур запас қисмлар етишмаётганлигининг оқибатидир.

Бош инженерни йўлга отланиб шошиб турган пайтида учратдик. Кимдир унга қайсибир катта идорадаги танишига хат ёзиб берибди. У шу орқали, зора бирорта запас қисмни қўлга киритсам, деган умид билан Тошкентга жўнаш учун шошилиб турган экан.

Далаларда ҳосил пишиб етилишига сал кун қолди. Бош инженер бўлса ҳали ҳам бировдарнинг таниш-билишлари орқали запас қисм топармиканман, деб югуриб юрибди. Бусиз иш битмаяпти. Катта умид, яхши ният билан ҳаракат қилаётган техникадан унумлироқ фойдаланишга интилаётган кишилар айни пайтда мана шундай қийинчиликларга ва тўсиқларга дуч келмоқдалар.

— Аслида «Узсельхозтехника» фақат бир иш билан шуғулланса яхши бўларди. Ё савдо билан, ёки ремонт билан шуғулланиши лозим, — дейди куйиниб бош инженер Турдиохунов.

— Нега? — сўрадик ундан.

— Чунки улар савдо қилишдан ташқари ремонт билан ҳам шуғулланаётганликлари учун бор запас қисмларни ҳам колхоз-совхозларга бермай, ўзларида асраб қоладилар. Натижада, биз ана шундай сарсон-саргардон бўлиб юраверамиз.

Турдиохуновнинг бу гаплари бечиз эмас. Мана, кичиккина бир мисол. «Волга» машинасининг мотори ўрнатилган пахта териш машиналарига 120 та поршень керак. Шундан эндигина 12 та олинган, холос. Яна бунақа мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Баъзан махсус устахоналарнинг иши ҳам «Узсельхозтехника»дан қолишмайди. Ўтган йили совхоз Ўртаовулдаги махсус устахонага учта моторни ремонт қилиш учун юборган эди. Бу моторлар ҳамон қайтиб келгани йўқ. Ўрток Богомолов директорлик қилаётган Ўртаовулдаги махсус устахона ана шундай «суръат» билан ишлаяпти.

Совхозда пахта териш машиналарини мавсумга тайёрлаш осонлик билан бўлмаяпти. Бироқ хўжаликдаги ҳозирги режалар, машинадан фойдаланишга қаратилган тадбирлар ҳеч кимни қаноатлантира олмайди. Чунончи ўтган йили ўрта ҳисобда ҳар бир машина билан 18 тоннадан пахта терилган бўлса, бу йил 28 тоннадан пахта териш планлаштирилган. Яъни 110 та машина билан 2800 тонна пахта териб олиниши керак, бу тўғри план эмас, албатта.

1964 йилги мавсумда 60—70 тоннадан пахта терган механик-ҳайдовчиларнинг сони 10—15 кишидан ошмаган. Бундан кўрониб турибдики, совхозда ҳали малакали моҳир механик-ҳайдовчилар етишмайди. Не машаққатлар билан мавсумга тайёрланаётган мавжуд машиналардан фойдаланиш тўғрисида бу ерда ҳали етарли тайёрлик кўрилаётгани йўқ.

Ўтган йили совхознинг кўпчилик звено бошлиқлари машина билан пахта термаганлар. Уларнинг ўрнига студентлардан 70 киши ишлаган. Шунга қарамай совхоздаги раҳбар ўртоқлар бизда механик-ҳайдовчилардан 108 киши тапа-тайёр, яна 30 кишини ўқитаяпмиз, дейдилар. Ахир ўтган йили машина билан пахта ораламаган кишиларни малакали механик-ҳайдовчилар деб бўладими? Машиналардан унумли фойдаланиш моҳир механик-ҳайдовчиларга боғлиқ. Бусиз ўтган йилги йўл қўйилган хатоларни тузатиб бўлмайди. Кадр тайёрлаш керак.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

СУВДАН ТЕЖАБ ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР

Ўзбекистон пойтахт областидаги колхоз ва совхозлар ғўзани тўртинчи марта суғоришга киришдилар.

Маълумки, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оққўрғон районларидаги хўжаликлар Чирчиқ дарёси соҳилидаги қайир ерларда экилган ғўзаларни суғориш учун коллектор-зовур сувидан кенг фойдаландилар. Чунончи, «Правда» номли колхозда ернинг захини қочирадиган зовурлар қирғоқларига ўн иккита кучли насос ўрнатилди.

Ғўзаларни суғориш учун сув айни талаб қилинган пайтда Тошкент областидаги хўжаликларда 650 та насос агрегати ишга туширилди. Бу агрегатлар пахтазорларга қўшимча суратда секундига 35 кубметр сув беради. Бу эса, катта резервдир. Ана шу резервдан фойдаланиш сувчиларга бир суткада қўшимча равишда бир ярим минг гектардан кўпроқ пахтазорни суғориш имконини беради. (ЎзТАГ).

АҲДЛИ — БАХТЛИ

Асл пахтакор эрта баҳордан буён тинмай қилган меҳнатининг дастлабки самарасини— гулини, кўсагини тўла сақлаб қолиш йўлида кунни-тунга улаб, пайкалдан кетмай юради. Айрим бепарвороқ деҳқончи? Ғўзасининг кўкига, бўйига маҳлиё бўлиб, ишлов беришни, айниқса, суғоришни бўшаштириб, ҳосилининг бир қисмини бой бериб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам доно деҳқонларимиз август ойини «ҳосил ойи», «ҳосил тақдири ҳал бўладиган ой» деб бекорга айтмаганлар.

Ҳа, ҳозирги дамларда экинга ишлов бериш бир зум ҳам бўшаштирилмаса, кузда баракали хирмон кўтарилиб, юзлар ёруғ бўлади.

Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг азамат деҳқонлари худди шу мақсад билан ғўза парваришини янада кучайтиришга аҳд қилишди. Кексаю-ёш ҳозир енг шимариб далада ишлаяпти. Колхознинг Турсунали Талабов, Мирғалим Ҳасанов, Ҳамид Эгамов каби ўнлаб тажрибали ва моҳир механизаторлари ўз агрегатларининг олдинги қисмини ғўза шохларинч синдирмайдиган, гул кўсакларига зарар етказмайдиган қилиб мослаб, пахтазорда жавлон урмоқдалар. Айниқса, қирдаги зонада ишлаётган илғор тракторчи Дўсан Фармоновнинг қилаётган фидокорона меҳнатини ҳар қанча мақтаса арзийди. Ўзининг «пўлат от»ки қия ерларда узунасига ҳам, кўндалангига ҳам усталик билан беш мартадан юргизган. Дўсанбой 7-бригаданинг 75 гектарлик майдонида мўл ҳосил тўплашга катта ҳисса қўшаяпти.

Ўтган йили ғўза парваришидан сўнг «зангори кема» штурвалига ўтирган бу азамат механизатор 100 тоннадан ортиқ пахта териб, «Ҳурмат Белгиси» орденини олишга сазовор бўлган эди. Бу йил Дўсаннинг нияти янада юксак: у ана шу 75 гектарлик қия ерларда ҳам «зангори кема»ни юргизиб, камида 150 тонна «оқ олтин» термоқчи. Иш устасидан қўрқар, деганларидай, Дўсан Фармонов ўз ниятига ҳалол меҳнати, жонкуярлиги билан албатта эришади.

Колхознинг коммунист Маткарим Қосимов бошлиқ 7-бригадаси, пахта усталаридан Маннап Набиев, Турсунали Абдуллаевлар раҳбарлик қилаётган 2-ва 5-бригадалари далаларини айланган кишининг қалби қувонгга тўлади, ҳар бир туп ғўзани меҳр ва қунт билан парваришлаб, шиға-шиға кўсак тўплаган азаматларга балли, дейди.

Чанқатиб қўйилган ғўза гулини, ҳатто кўсагини тўкса, эзилиб сув ичган экин ҳам бўйига зўр бериб ғовлаб кетади, ҳосилининг чўғи кам бўлади. Шунинг учун Мирзаахмад Абдураҳмонов, Мамат Умаров, Ҳайдар Ҳакимов ўртоқлар миришкорлик билан ҳар бир пайкалдаги ғўзани обтобида, меёрида суғормоқдалар. Экиннинг чанқашига ҳам, ғовлашига ҳам йўл қўймаётирлар.

Пахтадан юқори ҳосил олишда техника деҳқоннинг суянчи, мададкори эканлигини колхозчилар ўз тажрибаларида синаб кўрдилар. Илгарилари маррага етолмай, эл-юрт олдида уятли бўлиб келган «Озод» колхозининг аъзолари ўтган йили 24 иш кунида 1700 тонна, ёки гектар ҳисобига 21,7 центнердан ҳосил кўтариб, давлат планини ошириб бажарган эдилар. Бундай ютуққа эришишда пахтазорларда гурилдаб ишлаган 14 та терим машинасининг ҳиссаси катта бўлди.

— Бу йил 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 19,6 ўрнига камида 25 центнердан ҳосил оламиз. Шу йўлда курашмоқдамиз, — дейди колхоз раиси ўртоқ Боқижон Сулаймонов, — ҳозирнинг ўзида ҳар бир туп кўчатда 7—8 тадан бўлиқ кўсак бор. 500 гектар майдондаги ғўзани машина теримига мослаб карварии қилаяпмиз. Илгариги 14 та машинига қўшимча яна 4 та ХВС—1,2 машинаси сотиб оламиз. Ҳосилнинг ярмидан кўпини машинада териб оламиз.

Аҳди маҳкамнинг бахти маҳкам, дейишади боболаримиз. «Озод» колхозининг азамат пахтакорлари ҳам етти йилликнинг сўнгги йилини катта муваффақиятлар билан якунлашга аҳд қилганлар. Бу аҳд чинакам аҳд. Астойдил бел боғлаб, пахта далаларида ғайрат-шижоат билан ишлаётган деҳқонларга зафар ёр бўлсин!

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
Х. МАМАДИЕВ.

ЮЗ МИЛЛИОН СЎМ ЖАМҒАРМА

Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатида ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашнинг янги усули қўлланилди. Бу усулни составида 11 инженер ва новатор ишчилар бўлган рационализаторлар ҳамда ихтирочилар комплекс ижодий бригадаси таклиф қилди. Янгилик ҳар йили ярим миллион сўмлик маблағни тежаб қолиш имконини беради. Бошқа бир корхона — Тошкент қоғоз комбинатида худди шундай ижодий группа аъзолари қоғоз ишлаш машиналарини модернизация қилдилар ва бу билан давлатга деярлик 100 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирдилар.

Тошкент областидаги корхоналарда 400 та комплекс ижодий новаторлар бригадаси бор. Уларнинг составига турли касб эгалари кирган. Ана шундай ижодий бригадалар коллективлари сўнгги бир ярим йил ичида бир ярим мингта турли таклифларни ишлаб чиқдилар ва жорий қилдилар. Бу таклифлар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таннархини камайтириш ва сифатини оширишга ёрдам берди. Бу бригадаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар фақатгина таклифлар билан чиқмай, айни вақтда ихтироларнинг тажриба намуналарини ўзлари тайёрлайдилар, технология процессларини ишлаб чиқишда иштирок этадилар.

Комплекс ижодий бригадалар ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти бошланғич ташкилотлари томонидан ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш бўйича қилинаётган коллектив меҳнати формаларидан биридир. Уларнинг иштироки билан завод ва фабрикаларда новаторлар кенгаши, техника кабинетлари, рационализаторлар бурчаги, техника ижодий университетлари ва мактаблари, жамоатчи патент экспертиза бюролари, консультация пунктлари ташкил этилган.

Новаторларнинг активлиги муттасил ошаяпти. Жамиятнинг бошланғич ташкилотлари кенгаши техника прогресси учун курашда тобора катта роль ўйнамоқда. Қўйлиқ ремонт-механика заводининг слесарь М. И. Сальников бошчилигидаги кенгаши шунга эришдики, корхонадаги ҳар тўрт ишчининг бири ишлаб чиқариш новаторлари қаторига қўшилди. Бу бошланғич ташкилот кенгаши жамият томонидан ўтказилган Бутуниттифоқ кўригида иккинчи даражали мукофот олди. Тошкент тўқимачилик ва Чирчиқ электрохимия комбинатлари, Тошкент кабель заводи бошланғич ташкилот кенгашларидан ҳам кўп нарса ўрганиш мумкин.

Тошкент области ихтирочилари ва рационализаторлари етти йилликнинг бошидан буён ўз таклифлари эвазига юз миллион сўмлик жамғарма олдилар. Бу етти йиллик учун зиммага олинган мажбуриятдагига қараганда 10 миллион сўмлик кўпдир.

Шу йилнинг 12 августида ўзларининг учинчи область конференциясига йиғилган новаторлар Совет ҳокимиятининг 50 йиллик кунигача яна 50 миллион сўмлик маблағ тежашга қарор қилдилар. Учрашув қатнашчилари областдаги барча рационализатор ва ихтирочиларга, барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, уларни улуғ юбилейни техника прогресси учун курашда янги-янги ғалабалар билан кутиб олишга чақирдилар. (ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК ЛАГЕРЬ ВА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ

Империализм шармандали мустамлака системасининг емирилиши ва Осиё ҳамда Африкадаги кўпчилик собиқ мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларнинг давлат мустақиллигига эга бўлиши биз яшаб турган даврнинг оламшумул тарихий воқеасидир. Чет эл босқинчилари эзиб, камситиб келган жуда кўп халқларнинг миллий даёқати, ҳақ-ҳуқуқи тикланди. Эндиликда империализм юз миллионлаб кишиларнинг тақдирига назоратсиз, ўз билганича хўжайинлик қилишдан маҳрум бўлиб қолди.

Эзилган халқларнинг миллий озодлик ҳаракати ҳозирги замонинг энг муҳим факторларидан ҳисобланади. Бу ҳаракатни ҳозирги замонинг асосий зиддияти — социализм билан капитализм ўртасидаги зиддият билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина тўғри тушуниш мумкин. Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва дунёда биринчи пролетар давлати пайдо бўлгунга қадар халқлар мустамлака ҳукмронлигини ағдариб ташлай олмаганлар. Фақат дунёда биринчи бўлган социалистик революция ҳамда Европа ва Осиёдаги бир қатор мамлакатларда рўй берган социалистик революциялар туфайлигина империализмнинг мустамлака зулмига қарши қурол зўр куч билан авж олиб кетди.

Социалистик системанинг қарор топиши ва мустаҳкамланиши миллий озодлик революциялари ғалабаси учун қулай шарт-шароитларни яратиб берди. Шундай қилиб, жаҳон социалистик системаси дунё миқёсида мустамлака зулмига қарши халқлар кураши ғалабасини таъминлашда асосий ва ҳал қилувчи омилга айланди. СССР ва бошқа мамлакатларда социализмнинг ғалаба қилганлиги миллий озодлик ҳаракати муваффақиятларига катта таъсир кўрсатганлигини Шарқнинг давлат ва сиёсий арбоблари бир неча бор таъкидлаганлар.

Халқларнинг ўз сиёсий ва иқтисодий озодлиги учун кураши ягона жаҳон революцион процессининг ажралмас қисмидир. Социализм ва коммунизм қуриш учун курашаётган халқлар, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, миллий озодлик революциялари — ҳозирги замонинг ана шу уч асосий революцион кучи империализмга қарши курашнинг ягона оқимига бирлашади.

В. И. Ленин миллий озодлик ҳаракати умумий душман — империализмга қарши курашда халқаро ишчилар синфи революцион ҳаракатининг ишончли иттифоқчисидир, деб бир неча бор уқтиргган эди. «... социалистик революция,—деб ёзган эди у,—фақат ва асосан ҳар бир мамлакатдаги революцион пролетарларнинг ўз буржуазиясига қарши олиб борадиган курашидангина иборат бўлмайди, — йўқ, бу революция империализм эзиб келаётган барча мустамлакалар ва мамлакатларнинг, барча қарам мамлакатларнинг халқаро империализмга қарши олиб борадиган курашидан иборат бўлади».

Осиё ва Африка мамлакатлари сиёсий эркинликни қўлга киритиб, ҳақиқий мустақиллик учун курашда биринчи, лекин муҳим қадам ташладилар. Шунга қарамай, сиёсий мустақиллик миллий тараққиёт ва иқтисодий прогрессининг ҳамма вазифаларини ҳал эта олмайди. Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларда империализмга қарши қураш иқтисодий соҳага кўчирилган. Бу курашда икки муҳим вазифа — чет эл капиталига иқтисодий қарамликдан қутилиш ва мамлакат хўжалик қолоқлигини тугатиш вазифалари ҳал этилади.

Аммо иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида ҳар бир мамлакатда сиёсий шарт-шароитлар турличадир. Масалан, Таиланд, Малайя, Филиппин ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг ҳукуматлари империализм сиқувига чидаш беролмай, бетарафлик сиёсатига хиёнат қилдилар ва ҳарбий агрессив блокларга қўшилдилар.

Шарқнинг бошқа бир қатор мамлакатлари, жумладан Бирлашган Араб Республикаси, Мали, Гана, Гвинея, Бирма бошқа йўлни — мустамлакачиликнинг оғир меросини тугатиш учун, иқтисодий прогресс учун кураш йўлини танлаб олдилар.

Антиимпериалистик ва революцион кучларнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган қудратидан ваҳимага тушган империализм турли ҳарбий ва бошқа авантюраларни ишга солмоқда. Дунё жандарми вазифасини ўз зиммасига олган АҚШ империализми Вьетнам халқига қарши жиноий агрессияни борган сари кенгайтирмоқда. Доминикана республикасида мустақил сиёсат тарафдорлари қонини тўкмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари қаҳрамон вьетнам халқи адолатли курашини актив қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет Иттифоқи ва бутун қудратли социализм лагери антиимпериалистик революцион кучларга ҳар томонлама хайрихоҳлик ва ёрдам кўрсатиб келаётир. 1956 йилда Мисрга қарши уч давлат агрессияси Совет Иттифоқининг қатъий позицияси туфайли даф этилди. 1957 йилда Сурия СССР ва бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг қўллаб-қувватлашига суяниб, чет эл интервенцияси хавфини қайтара олди. 1958 йилда эса империалистларнинг революцион Ироққа мўлжаллаб қўйган қора ниятлари барбод этилди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг озодлик ороли — Кубани қўллаб-қувватлашдаги Латин Америкасидаги ягона социалистик мамлакат тақдирида муҳим роль ўйнади. Бизнинг ҳукуматимиз БМТ да мустамлакачиликка қарши кураш ва ҳалқларнинг мустақиллик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳаракатлар ва бошқа тадбирлар ишлаб чиқишга ва амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Пропагандистларга ёрдам

мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларацияни қабул қилдиришнинг ташаббускори бўлди.

Хуллас, СССР ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатлар мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши қатъий курашни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Антиимпериалистик ва революцион кучларнинг бундай қўллаб-қувватланиши социалистик мамлакатлар халқларининг ҳам, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг ҳам умумий душмани — империализм эканлиги билан изоҳланади.

Жаҳон социалистик системаси ўзининг иқтисодий соҳадаги муваффақиятлари билан ҳам халқларнинг империализмга қарши курашига ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда. Ер шари аҳолисининг 35,2 процентини ўзига бирлаштирган социалистик мамлакатлар ҳозирги вақтда жаҳон саноати маҳсулотининг 38 процентгача бўлган миқдорини ишлаб чиқармоқда. Шу миқдорнинг қариб 20 проценти Совет Иттифоқи ҳиссасига тўғри келади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ана шу техника-иқтисодий қудратидан собиқ мустамлака мамлакатлари ўз миллий экономикаларини яратишда катта ёрдам, мадад олиб турибдилар. Социализм лагери кўрсатаётган ёрдам ривожланаётган мамлакатларда экономиканинг ҳал қилувчи соҳалари — оғир индустрия ва энергетикани барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Мустақил экономикани яратиш йўлида ёш давлатлар дуч келаётган қийинчиликлардан империалистик давлатлар, даставвал АҚШ ўз мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ёш давлатларга «ёрдам» байроғи остида сиёсий мустақилликка эришган мамлакатларда ўз позицияларини ва таъсир доираларини мустаҳкамлашга, собиқ мустамлакаларни бундан буён ҳам капитализм орбитасида аграр-хомашё базаси сифатида сақлашга уринаётирлар.

Социалистик ёрдам империалистик давлатлар «ёрдам»идан тубдан фарқ қилувчи хусусиятларга эгадир. Энг муҳими бу тенг ҳуқуқли ва бегараз ёрдамдир. Ў ёрдам олаётган мамлакатлар олдига ҳеч қандай сиёсат ёки бошқа асоратли мажбуриятларни қўймайди. Осиё ва Африкадаги ёш давлатлар индустрия учун зарур маблағларни тўплашда катта қийинчиликка дуч келаётганини ҳисобга олиб, социалистик давлатлар уларга катта миқдорда кредитлар бермоқдалар. Жумладан, Совет Иттифоқи умумий миқдори қариб уч миллиард сўмга баравар келадиган кредит ва бошқа хил ёрдам кўрсатди.

Ривожланаётган мамлакатларга СССР бераётган кредитлар кам процент эвазига ва узоқ муддат билан берилади. Социалистик давлатлар кўрсатаётган бундай енгил шартли ёрдам туфайли ривожланаётган мамлакатлар империалистик давлатлардан ҳам кам процент билан кредит олишга муваффак бўлмоқдалар. Агар бундан 10 йил муқаддам капиталистик давлатлар йилига 7—8 процент фойда олиб кредит берган бўлсалар, ҳозир бу миқдорни 3—4 процентгача пасайтиришга мажбур бўлмоқдалар.

Тўла мустақилликни таъминлашда индустриализация катта роль ўйнашлигини тушуниб, Совет Иттифоқи ўз кредитларининг 50 процентга яқинини оғир саноат қурилишига йўлламоқда. Мамлакатимизнинг техника ва молиявий ёрдами билан Осиё ва Африканинг ёш мамлакатларида 30 га яқин қора ва рангли металлургия корхоналари, 45 та машинасозлик ва металл ишлаш заводлари, 20 дан ортиқ химия ва нефтни қайта ишлаш заводлари, 20 та электростанция ва бошқа объектлар қурилди ва қурилмоқда.

Социалистик лагердаги бошқа мамлакатлар ҳам ёш мустақил давлатларга молия ва техника ёрдами кўрсатмоқдалар. Чехословакия, ГДР, Польша, Болгария, Венгрия ва Руминиянинг ёрдами билан юзлаб саноат корхоналари, айрим цехлар ва бошқа халқ хўжалиги объектлари қурилди ва қурилмоқда. Қад кўтараётган объектлар орасида йирик машинасозлик, металл ишлаш, химия заводлари ва кучли электростанциялар бор.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ривожланаётган ёш мамлакатларга кўрсатаётган иқтисодий ёрдами давлат секторини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Чунки ривожланаётган мамлакатлар фақат кучли давлат секторига суянигина империалистик давлатларнинг бирлашган монополияларига қарши курашда ўз иқтисодий мустақиллиги сақлаб қолишлари мумкин.

Социалистик мамлакатларнинг миллий кадрлар тайёрлашда кўрсатаётган ёрдами ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи ёрдами билан Осиё ва Африкада ўқув марказлари ташкил этилаётир. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларда Шарқ мамлакатларининг минглаб студентлари таълим олмоқда, жуда кўп мутахассислар практикадан ўтмоқдалар. Бу йил Патрис Лумумба номидаги халқлар дўстлиги университетини биринчи марта жуда кўп чет эллик студентлар тамомлаб чиқди. Мазкур университет Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари учун билимнинг асосий соҳалари бўйича кенг профилга эга бўлган мутахассислар тайёрлашга даъват этилгандир.

Ривожланаётган ёш давлатлар Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларни ўзларининг энг содиқ ва бегараз дўстлари деб билмоқдалар. Пролетар интернационализми ғоялари руҳида тарбияланган совет кишилари бизнинг мамлакатимиз социалистик лагеридаги бошқа мамлакатлар билан бирга мустамлакачилик қуллигидан озод бўлган Осиё ва Африка мамлакатлари халқларига ўтмишнинг қолоқлик меросини тугатиб, прогресс йўлидан олга қараб боришларида ёрдам бераётганлиги билан фахрланадилар.

М. ЮСУФХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

Моделдан яратилган саноат нусхаси

Пахта саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари пахтани ғарамлайдиган ярим автомат установкаларини ишлаб турган моделини яратдилар. Модель лаборатория синовларидан муваффақиятли ўтди ва пахтани ғарамлайдиган биринчи саноат тажриба нусхасининг техникавий ҳужжатларини ишлаб чиқмоқ учун Бутуниттифоқ ғалла илмий тадқиқот институтининг конструкторлик бюросига топширилди.

Ана шу институт механизация лабораториясининг раҳбари Г. Д. Кушнаренко бундай деди:

— Мамлакатда тайёрланаётган пахтанинг учдан икки қисмидан кўпроғи сақлаш учун ҳар йили ғарамлаб қўйилади. Қўл кучи билан бажарилиб келган ана шу ғарамлаш ишларида бир неча минг киши банд бўлмоқда. Яратилаётган янги машина 20—25 тонна келадиган пахтани тўққиз метргача кўтариб, бир соатда ғарамлай олади. Бу билан машина оғир қўл меҳнатини ўз зиммасига олади. (ЎзТАГ).

Мантабларда янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Ҳозир жойларда биринчи сентябрь тараддуди кўрилмоқда. Мантаблар сифатли ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилмоқда. Кўпгина мактаблар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан етарли таъминланди.

Бу ишда Тошкентдаги 1-босмахона коллективининг хизмати катта бўлаяпти. Босмахона коллективи ўқувчиларга муносиб совғалар ҳозирламоқда. Босмахона шу кунгача бир неча номда кўплаб дарсликлар босиб чиқарди.

Суратда: босмахонанинг илғор ишчиси ўртоқ А. Турсунхўжаева нашр этилган китобларни кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

СОВЕТ КИШИСИ УЧУН

СОВУҚ ЎТКАЗМАЙДИГАН ШОЙИ

«Ригас аудумс» тўқимачилик фабрикаси инфрақизил нурларни тез қайтариб турадиган газламалар ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрмоқда. Лавсан, капрон, сунъий шойи устига жуда юпқа қилиб, бир неча миллимикроидан ошмайдиган миқдорда бир қават алюминий суркалади. Бунинг учун маҳаллий инженерлар вакуум ичида йилига бир миллион метр газламага металл суркайдиган поток линия яратдилар. Кўз илғамас плёнка газламанинг қайси томонига жойлашганига қараб, ҳам иссиқдан, ҳам совуқдан жуда яхши сақлайди. Ташқи томондаги плёнка кишининг қизиб кетишига йўл қўймаса, ички томонидаги плёнка бадандаги иссиқликнинг чиқишига тўсқинлик қилади. Бу эса, йилнинг турли фаслари учун енгил кийим-кечак тикиш имконини беради. Металл суркалгандан кейин газламалар ўзининг одатдаги хоссаларини, масалан, «нафас олиш» қобилиятини йўқотмайди.

Янги поток линия универсал бўлиб, унинг ёрдами билан металл суркалган ип, пластикатлар, чарм ўриндошлари ҳам тайёрлаш мумкин.

РИГА.

Ҳаво „дамланган" одеял

Семипалатинск мовут комбинатида ҳаво «дамланган» одеяллар тайёрлаб чиқарилди. Бундай одеяллар катакларга бир-бирига туташтирилган иккита полотнодан тайёрланмоқда. Катакларнинг ўртаси боғланмаган ва уларнинг орасида ҳаво қатлами ҳосил бўлади. Мана шу нарса одеялни семиз ва иссиқ қилиб юборади. Полотно 30 процент жун ва 70 процент штапель толасидан тўқилган. Шунга қарамай, фақат жуннинг ўзидан тўқилган полотнодан анча иссиқ.

Семипалатинскликларга ҳаво «дамланган» одеял ишлаб чиқаришни жун саноати марказий илмий тадқиқот институтининг мутахассислари ўргатишди.

Семипалатинск.

ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ — ҚИШЛОҚҚА

Темир-бетон конструкциялари ва деталлари қурилишларда асосий материаллардан бири бўлиб қолди. Бундай арзон ва мустаҳкам бинокорлик материаллари деярли барча объектларни бунёд этишда кенг фойдаланилмоқда. Ҳозир бирор иморатнинг шусиз қад кўтаришини тасоввур қилиш қийин.

Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда ана шундай материалларни кўплаб ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бизнинг коллектив ҳам шу вазифани бажаришга муносиб ҳисса қўшаётир. Маҳсулот ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириб бораяпмиз.

Коллективимиз шундай қилаяпти, конструкция ва деталлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Уларнинг сифатига алоҳида эътибор бераётир. Шу мақсадда илғор иш методлари, прогрессив технология жорий қилинди. Шуларнинг ҳаммаси давлат планларининг ортиқ билан адо этилишини таъминламоқда.

Масалан, шу йилнинг етти ойлик планини чакки якунламадик. Топшириқни 104,4 процент қилиб адо этдик. Шу давр мобайнида ўтган йилнинг етти ойидагига қараганда 10,5 минг кубометр кўп темир-бетон конструкциялари тайёрладик.

Маълумки, деҳқонларимизнинг фаровонлиги, моддий-маиший турмуш шароити тобора яхшиланиб бормоқда. Натижада қишлоқларда ҳам уй-жой, маданий-маиший муассасалар ва хўжалик бинолари қурилиши кенгаймоқда. Қишлоқ қурилишини янада индустриалштириш шу қунинг энг зарур вазифасидир. Чунки, ҳали ҳам колхоз ва совхозларда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг аксарияти қўлда бажарилмоқда, темир-бетон конструкциялари деярли фойдаланилмайди. Оқибатда қишлоқ жойларида объектлар жуда секинлик билан қурилмоқда, таннархи эса ошиқ бўлаётир.

Коллективимиз қишлоқ бинокорлари учун бирқанча янги хил темир-бетон конструкциялари тайёрлашни йўлга қўйдилар. Яқинқишлоқларга фақатгина икки хил детал етказиб берардик. Улар колхоз ва совхозларда жамоат чорвачилиги иморатлари қурилишида ишлатиладиган темир-бетон тўсинлар ва устунлар эди. Ҳозир, эса қишлоқ электр тармоқлари қурилиши учун темир-бетон столбалар ишлаб чиқарабошладик. Қишлоқ қурувчиларининг буюртмаси билан бундай деталлардан 400 дан ортиғи тайёрланди. Шунингдек, говакли ҳамда саноат, йўл қурилишида ишлатиладиган плиталар ҳам чиқарабошладик. Эндиликда қишлоқ қурилиши учун етти хил темир-бетон конструкциялари тайёрланаяпти заводимизда.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмади албатта. Ҳамма ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар бу ишларни рўёбга чиқаришда актив қатнашдилар. Айниқса, машъал бетончиларимизнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Улар қишлоқ қурилиши учун турли хил темир-бетон конструкциялари тайёрлашни йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатишди. Коллективимиз фахрли ҳисобланган Ю. Серманбетов, Ф. Найбук, С. Сатторов, Бакиров ва бошқа ўнлаб ҳамкасбларимиз шулар жумласидандир. Улар топшириқни 1,5 бараварга етказиб адо этиш билан бирга, фақат сифатли маҳсулот бермоқдалар.

А. ХОЖИМУРОДОВ,
Тошкентдаги 1-темир-бетон буюмлари заводининг ишчиси.

ДАВРИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Орзу парвози

АТРОФГА бирдан қоронғулик чўкди. Уйнинг шундай ёғинасидаги шафтолинанг шуъла сўнди. Кундузги иссиқликдан сўнг кутилмаганда баданни жунжитадиган совуқ турди.

Умринисо билан иккимиз уйга кираверишдаги зинада гаплашиб ўтирибмиз. Унинг онаси ва ўн икки яшар ўғилчаси аллақачон ухлаб қолишган. Ҳовлидаги ариқдан шилдир-шилдир сув оқиб турибди...

— Сиз Валя Терешкована кўрганмисиз? — деб секингина сўради Умринисо.

Валя ҳақида тез-тез сўраб туришади. Лекин Умринисонинг бу саволида алоҳида бир мазмун бор эди.

— У ҳақда гапириб беринг.

Мен Қизил майдонни эсладим. Кейин Халқаро хотин-қизлар конгресси ҳақида ҳикоя қила бошладим. Ўшанда Валянг бутун дунё олқишлаётгандек туюлган эди, гулдурос қарсаклар тинмасди. Хотин-қиз делегатлар саҳнада, президиум атрофида давра қуришган. Валя шу давранинг қоқ ўртасида турарди. У ҳаяжон ичра жилмаяр, атрофдан тақдим этилаётган гулдасталарнинг ҳаммасини олиб улгуролмас, узатилган қўлларнинг ҳаммасини қиса олмас эди. Унга томон узатилаётган оппоқ ва бугдойранг, эпчил ва ўнларча йиллар давомида қилинган меҳнатда чиниққан қўлларнинг сон-саноғи йўқ эди.

— Ва-ля! Ва-ля! — деган овозлар эшитиларди залдан.

Гулдасталарини, билагузукларини, ўғил-қизларининг суратларини узатишарди. Улар бу аёлнинг — Совет аёлининг, озод, тенгҳуқуқли аёлнинг жасоратига қойил қолганларини қандай қилиб бўлмасин билдиришни исташарди...

— Мени худди ўша кунлари раисликка сайлашган, — деди Умринисо, — илгари бу хўжалик жуда катта эди. Лекин районда охирги ўринда судралиб келарди. Кейин колхозни иккига бўлишди. Бу колхозга қанақа ном бериш керак, деган савол туғилди. Одамлар «раиси хотин киши, келинглар, яхшиси космонавт аёлга тенглаша қолсин» дейишди. Шундай қилиб, колхозимизга Терешкова номи берилди. Кўрдингизми, олдимизга қандай қийин ва шарафли вазифани қўйганмиз.

Бу ерда, Узбекистонда, юлдузлар бошқачароқ кўринади. Улар гўё яқинга жойлашгандай туюлади. Ҳаммаси ёруғ. Етти Оғайнининг «чўмичи» Москвадагига қараганда бутунлай бошқача жойлашган.

Мен Умринисога шу ҳақда гапирган эдим, у осмонга қаради.

— Ҳа, ҳаммаси ёруғ. Осмонни қаранг, топ-тоза. Зиғирдек ҳам булут кўринмайди. Пахта эса сувсиз битмайди. Даладаги қатқалоқни кўрдингизми?

Қатқалоқни кўрганман. Пахтанинг нима эканлигини ҳам биламан. Умринисо бу сўзни тез-тез ишлатишни яхши кўрарди. Пахта, пахтага, пахта тўғрисида... Пахта — унинг ҳаётидаги энг асосий нарса.

— Умрихон, қачондан бошлаб ишлай бошлагансиз?

— Мактабни битирдиму, ишга кирдим, — деди у, — аслини сўрасангиз, кетмонни биринчи марта қачон ушлаганимни ҳам эслаи олмайман. У пайтларда онам звено бошлиғи бўлиб ишлардилар. Мен мактабдан бўшагач, онамга нон-чой элтиб берардим. Боғданингдан кейин ишламай бир чеккада туриб бўладими охир...

У ўзи ҳақида ийманиб гапирарди. Илгари қандай вазифаларда ишлагани, экин майдонларнинг ҳажми, кўтарилган хирмонларнинг чўғи тўғрисида бир-икки оғизгина гапириб қўяқолди. Булар ҳақида мен Тошкентдалигимдаёқ эшитган эдим. Умринисо Ҳасанова бундан бир неча йил муқаддам областнинг энг чевар теримчиларидан бири бўлганлиги, бир мавсумда 17 тонна пахта терганлиги, Меҳнат Қизил Байроқ ордени олганлигини ҳам, кейинчалик механик-ҳайдовчилар курсини битириб чиқиб, «зангори кема» билан пахта терганлигини ҳам менга гапириб беришган эди. Ўшанда Умринисо гарчи йил айтарли яхши келмаган бўлса ҳам, эл хирмонига 83 тонна «оқ олтин» тўккан экан. Кейинги йиллари ундан ҳам кўп пахта тера бошлабди. Шундай қилиб, мен Умринисо звено бошлиғи, бригадир бўлганлигини, ҳозир эса минг гектардан ортиқ ери бўлган катта хўжаликка раҳбарлик қилаётганлигини, у республика ҳукуматининг аъзоси эканлигини, кўкрагида Ильичнинг сурати туширилган орден ярқираб турганлигини билиб олдим.

Лекин афсуски, таржимаи ҳолнинг рақам ва далиллари кишн тўғрисида кам нарсани билдиради. Мана, ҳозир бу аёл мен билан ёнма-ён ўтирибди. Уни кўрсангиз, «ўттиз ёшга кирган» демайсиз. Умринисо ихчамгина чамбарак қилиб қўйилган сочининг уёқ-буёғини тўғрилади. У ҳамон нимадандир ранжиган кўринарди.

Обкомда унинг ҳақида шундай дейишди:

— Умрихон улкан қалбли, уддабурон раҳбарлардан...

* * *

УЛКАН қалбли... Қандай яхши сўз-а. Бунга қандай қилиб эришдинг, Умрихон?

...Биз пахта пайкалидамиз. Кун роса исляпти. Ер бетини қатқалоқ қоплаган.

Умринисо ғоят бўйлаб бораркан, ҳар ер-ҳар ерда чўққайиб ўтирар, эндигина бир-иккитадан қулоқ чиқарган мурғак ғўзаларнинг атрофини чўкилаб кўрарди.

— Сув керак. Қуруқ. Суғорсанг, ювилиб кетиши мумкин. Илдизлари нозик-да ҳали. Қаторлар ҳам ҳозирча кўзга яққол ташланмаяпти. Кўраяпсизми, ҳўв анави ерларда ҳали чигит униб чиққанича йўқ.

Механизаторлардан бири шундай деди:

— Кутиш керак, раис опа.

Умринисо оқ яхтак устидан белбоғ боғлаб олган новча бир чолга томон ўгирилди. Юсуф Юнусов билан маслаҳатлашмасдан туриб, бир иш қилиб бўлади дейсизми?! У ўз ишининг устаси.

Отахон секин, вазмин гапирди. Кейин Умринисо агроном, механик, тракторчилар берган маслаҳатга қулоқ солди. Кишиларнинг гапига кириш — катта санъат. Ранса шу санъатнинг соҳибаси! Унинг офтобда қорайган пешонасида билинар-билинмас ажинлар кўринарди. Аҳён-аҳёнда сиполик билан ўртага гап ташлади:

— Агар қаторлари аниқ кўриниб қолган участкаларни танлаб олсак-чи? Шундаям суръатга зўр бермаслик шарти билан...

У буюрмас, хўжайинлик қилмасди. Лекин иш гўё ўз-ўзидан қовушиб кетаётгандек — пайкал ёқасига биринчи культиватор келтирилди. Темир панжалар пухта созлана бошланди. Умрихон камтарингина бўлиб бир чеккада турар, кишиларнинг ишини кузатарди. У машинани бирнеча йилдан бери рулни бошқараётган одам сингари беш қўлдай биларди. Шундай бўлса ҳам у ўз ҳунарини кўрсатишга шошилмасди. Насиҳат қилса, уларни ранжитиб қўйиши мумкин. Маслаҳат бериш — бошқа гап. Уларнинг яқинига борди, нимандир сўради, кейин қўли билан алланимага ишора қилди. Тракторчи олдинига бироз гап талашди, кейин, афтидан, рози бўлди.

Машина дала бўйлаб оҳиста бормоқда. Аёроном роса намиққан ғоат устида энгашиб турибди. Умринисо ҳар бир уяда қолдирилган кўчатларни санаб юрипти...

Суратда: (ўнгдан) колхоз раиси УМРИНИСО ХАСАНОВА ва механизатор-звено бошлиғи САИДАХМАД УСМОНОВ ўртоқлар пахтазорда.

Иш кунининг ҳатто шу кичкинагина лавҳасидан ҳам раисанинг иш услуби кўриниб турибди. Умринисонинг ўзи шундай дейди:

— Бир ишни улар менсиз қилишмайди, мен уларсиз. Бизда тартиб шу.

* * *

АҲИР янгиликни ҳамма ҳам дарров тушунақолмайди-ку?

— Ҳа, албатта, ҳали ҳамма ҳам... Бригадир бўлиб юрган кезларимда шундай бир воқеа бўлган эди. Пиғим-терим олдидан одамларни йиғдим-да, 30 гектар ердаги пахтани машинада терамиз, дедим. Бу ялпи еримизнинг қариб ярми эди. Бизда Эргаш Ортиқов деган ажойиб бир ер бор эди. У «шундай баракали ҳосил етиштирдик! Уни нобуд қилма, Умрихон! Ҳаммасини қўл билан теріб оламиз» деб ялинакетди. Ўзининг бўлса овози титрарди. Нима ҳам қилардинг, янгиликка ишонмади! Қандай қилиб ҳам ишонтирардинг? Фақат машинанинг ўзигина ишонтира олиши мумкин. Ўшанда у мендан қаттиқ ҳафа бўлган эди. Ўз устозларингни назар-писанд қилмаяпсан, қизим!.. Компостлар тайёрлай бошлаганимизда ҳам, терим олдидан самолётдан дори сепиб, ғўза барглариии тўктира бошлаганимизда ҳам, баъзан курашишга тўғри келади...

Ҳа, ҳеч нимани билмасдан туриб янгилик учун курашсанг, ҳақиқий раҳбар бўла олмайсан. Нимасини яширамиз, баъзибир кишилар билан келишмовчиликлар ҳам бўлди. Норози ҳам бўлишди. Лекин кек сақлашлар, орқа-варотдан гапириб юришлар илгари ҳеч бўлмаган эди. Ранжиётган бўлсанг, бригада йиғилишида юрагингдагини ўртага ташла. Бригада муҳокама қилади. Йиғилиш бўлса ҳар ойда бир марта бўлади. Ҳеч бўлмай қолмайди.

— Гап тарқатяяпсанми? — деди илгариги раис масхараомуз қилиб.

— Гап тарқатиш дейсизми, Андрей Иннокентьевич? — Оғзига кучи етмаганлар гап тарқатади.

Раис бригадада кўп турмади. Кейинчалик эса, у ерга тобора камдан-кам борадиган бўлиб қолди: бунинг боиси балки унинг ёши ўтиброқ қолганлигидадир, балки колхоз ҳамиша оқсоб келаётганлигидадир...

Ўшанда одамлар нега план йил сайин бажарилмаётганлигига сира тушуна олишмас эди. Ери ҳам ёмонга ўхшамайди, сув ҳам етарли (сув эса — ҳаёт деган сўз), кишилари ҳам меҳнатсевар. Қисқаси, раис кишилар тўғрисида бошқача фикрда эди. Гап шундаки, қишлоқдагиларнинг ҳаммаси дангаса, бировларнинг орқасида муғомбирларча кун кўрадиган кишилар эмиш. У бутун қишлоқ тўғрисида шундай дерди!

Унга эътироз билдиришди: Умрихон Ҳасановнинг бригадасидагилар ўз одамларимиз эмасми? Колхознинг энг яхши бригадаси. Ё шундай эмасми?

Ер қурраси да

Америка агрессиясини ҳамма қораламоқда

ПРАГА. Чехословакия пойтахтидаги энг йирик машинасозлик корхонаси — «ЧКД—Прага» комбинатида, курашаётган Вьетнам билан бирдамлик изҳор қилиш учун кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингда бошқа заводларнинг вакиллари ҳам қатнашди.

Прага заводларининг меҳнаткашлари, дейилади митингда қабул қилинган резолюцияда, Америка империализмининг ҳарбий агрессиясини гоят кескин равишда қоралайдилар ва Вьетнам халқининг америка агрессиясига қарши олиб бораётган курашида унга ҳар тарафлама ёрдам беражакларини баён қиладилар.

ГАВАНА. Бу ерда Куба Ташқи ишлар министрлигининг баёноти эълон қилинди. Баёнотда АҚШ империалистларининг Вьетнамдаги вахшиёна жиноий ҳаракатларига қарши кескин норозилик билдирилади ҳамда Куба курашаётган Вьетнам халқига иложи борича кўпроқ ёрдам кўрсатишга тайёрдир, дейилади.

КОПЕНГАГЕН. Автомашиналар колоннаси Дания пойтахти кўчаларидан олиб ўтган плакатларга «Америкаликлар, Вьетнамдан жўнаб қол!» деган талаб ёзилган эди. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилик билдириш мақсадида ўтказилган бу намойишни Копенгаген коммунистлари уюштирдилар.

ХАНОЙ. «Патет-Лао овози» радиостанцияси Нео-Лао Хак Сат партияси Марказий Комитетининг баёнотини эшиттирди. Баёнотда бундай дейилади: «АҚШ ҳукуматининг Жанубий Вьетнамга яна 50 минг солдат юбориш ҳақидаги қарори Вьетнамга қарши бевосита агрессия қилиш ҳаракати, агрессив урушни бутун Ҳинди-Хитойга ёйишга қаратилган ҳаракатдир.

ТОКИО. Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланганлигининг 20 йиллиги муносабати билан атом ва водород қуролини таъқиқлаш учун кураш масалаларига бағишланган конференция очилган эди. Конференциянинг халқаро қисми Токиода ўтмоқда. Минбарга чиққан нотиқлар Қўшма Штатлар Вьетнамда бошлаб юборган ва давом эттираётган агрессив урушни қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар. Совет Иттифоқи вакили Г. В. Александров бундай деди: неча юз минг кишиларнинг ҳалокати, Хиросима билан Нагасакининг табаррук қўли биздан тинчлик учун, АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушига чек қўйиш учун қатъият билан курашиб, шу йўлда тобора янги-янги куч-ғайратлар сарфлашни талаб қилмоқда.

(ТАСС).

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

ХАНОЙ, 11 август. (ТАСС). ВИА агентлиги хабар беради: Нео Лао Хак Сат партияси Марказий Комитети доимий комитетининг аъзоси ва Нео Лао Хак Сат қуролли кучлари қўмондонлигининг вакили генерал Фун Сипасат Лаосдаги кузатувчи ва контрол қилувчи халқаро комиссияга ошигич мактуб йўллаб, озод қилинган районларда аҳоли тинғиз жойлашган пунктларни Америка империалистлари 25 июлдан то 3 августга қадар кўп марталаб бомбардимон қилганликларига ва ўққа тутганликларига қарши қатъий норозилик билдирди. Шу ҳужумлар натижасида кўп кишилар ўлдирилди ва жароҳатлантирилди ҳамда катта моддий зарар етказилди. Америка агрессорлари, дейилади мактубда, Лаоснинг озод қилинган районларига осмондан ҳужум қилишларни тўхтатишлари ва Лаосга доир 1962 йилги Женева битимларига қаттиқ риоя қилишлари лозим.

ҚОТИЛЛАРНИНГ ТАЛАФОТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 август. (ТАСС). Американинг Сайгондаги ҳарбий вакили қўғирчоқ ҳукумат қўшинлари август ойининг дастлабки ҳафтасида кўрган талафотлар анча кўпайганлигини бугун тан олишга мажбур бўлди. Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Сайгондан берган хабарига қараганда, қўғирчоқ ҳукумат қўшинлари бир ҳафта ичида 940 солдат ва офицердан ажралганлар. Булардан 265 киши ўлдирилган, 575 киши ярадор қилинган ва 100 киши бедарак йўқолган ёки асир тушган.

ХАЛҚНИНГ ХОҲИШИГА ЗИД ҚАРОР

ЛОНДОН, 12 август. (ТАСС). Япония билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни «нормаллаштириш» тўғрисида 2 июнда Токиода имзоланган битимларни кеча Жанубий Кореянинг ҳукмрон партияси миллат мажлиси махсус комиссиясининг мажлисида маъқуллатиб олди.

Рейтер агентлиги мухбирининг Сеулдан берган хабарида айтилишича, оппозициячи Минчжун партиясининг аъзолари комиссия мажлисида бу шартномаларни қаттиқ танқид қилиб чиқдилар. Муҳокама вақтида залда «хоинлик», «қонунсизлик» деб қичқирган овозлар эшитилди. Оппозиция вакили, Минчжун партияси овоз бериш натижаларини қонуний эмас, деб эълон қилдириш чорасини кўради, чунки овоз бериш тартиби асло «қонуний бўлмади», деди.



Афғонистон пойтахти Қобул атрофида Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган уйсозлик комбинати ишлай бошлаганига бир неча ой бўлди. Ҳозирдаёқ шу корхона маҳсулотидан Қобулда турар — жой микрорайонлари, меҳмонхоналар, кино театрлар, болалар боғчалари қурила бошланди. Комбинат йилига 35 минг квадрат — метр уй-жой майдони учун маҳсулот етказиб беради. Суратда: уйсозлик комбинати ишлаб чиқариш иншоотининг ташқи кўриниши.

В. Соболев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА СИНФИЙ КУРАШ

АНГЛИЯ

«Жон Браун Энд Компани» (Глазго) кемасозлик компаниясининг корхоналаридан бирида электриклар бошлаган забастовка давом этмоқда. Улар иш ҳақини оширишни талаб қилмоқдалар. Шу райондаги қўшни кемасозлик корхоналаридаги бир мингдан кўпроқ электриклар ҳам забастовкачиларга бирдамлик изҳор қилиб, 24 соатлик забастовка ўтказдилар. Корхона хўжайинлари бунга жавобан локаут эълон қилдилар.

«Бирмингем Алюминиум Кастингс Компани» фирмасининг Сметикдаги алюминий ишлаб чиқарадиган заводида 80 қолипчи бутун бир ой забастовка қилди. Корхона маъмурияти ишчиларнинг талабларига қулоқ солиб, уларнинг иш ҳақини бирмунча оширишга мажбур бўлди. Ишчилар ўз талабларини тамомила қондириш тўғрисида маъмурият билан олиб борилаётган музокаралар давом эттирилган тақдирдагина ишга қайтиб келишга розилик бердилар.

ФИНЛЯНДИЯ

Фин қўлтиғининг шарқий қисмида жойлашган Финляндиянинг энг катта савдо порти бўлган Котка портида иш бутунлай тўхтаб қолди. Порт ишчилари забастовка эълон қилдилар. Порт хўжайинлари ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларини кондиришни истамаганликлари сабабли, ишчилар юк ортиш ва бўшатиш ишларини давом эттиришдан бош тортдилар. Уттиз учта кема молларни юклаш ва бўшатиш ишлари яна бошланишини кутиб, бекор турибди.

ХИНДИСТОН

Бихар штатининг пойтахти Патнада маъмурларнинг озиқ-овқат масаласидаги сиёсатига қарши, нархлар ошиб кетганлигига қарши норозилик билдириш юзасидан ялпи забастовка бошланди. Бу забастовкада ишчилар, дўкондорлар, давлат хизматчилари билан бирга студентлар ҳам қатнашдилар. Шаҳарнинг бирқанча районларида полиция билан намойишчилар ўртасида тўқнашувлар бўлди. Полиция кўздан ёш оқизадиган газ ва резинка таёқларни ишга солди.

Бомбейнинг 15 минг докери порт ишчиларига иш ҳақи тўлаш шартларини қайта кўриб чиқишга, ишчиларнинг оғир моддий аҳволини енгиллаштиришга ҳукуматни даъват қилувчи шиорларни кўтариб, шаҳарнинг катта кўчаларидан ўтдилар.

КОЛУМБИЯ

Колумбия пойтахтида иш ташлаган ишчилар пластмасса қувурлар заводини эгаллаб олдилар. Перейра шаҳрида металлургия корхонасининг ва кофе фабрикасининг ишчилари курашни давом эттирмоқдалар. Пальмира шаҳридаги «Эль Арадо» қанд заводида забастовка бошланганига бир ярим ой бўлди.

Колумбияда шу йилнинг дастлабки етти ойи мобайнида жами 53 та забастовка ўтказилди, бу забастовкаларда бир неча ўн минг киши қатнашди. Меҳнаткашлар мамлакатда давом қилиб келаётган иқтисодий инқирозидан ўзларининг норози эканликларини билдирмоқдалар ва турмуш шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар.

АРГЕНТИНА

Аргентина информация агентлиги «Телепрессе» ишчилари ва хизматчилари забастовка эълон қилиб, агентлик биносини эгаллаб олдилар. Улар ходимларнинг ишдан бўшатилишига ва кейинги тўрт ой ичида иш ҳақи тўланмаганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. (ТАСС).

АМЕРИКАЛИКЛАР РУС ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 12 август. ТАСС мухбири Л. ПОНОМАРЕВ хабар беради:

Қўшма Штатларда рус тилини ўрганаётган америкаликлар кўпайиб бормоқда. Жаҳонда биринчи совет сунъий йўлдоши учирилганидан кейин, АҚШда рус тилини ўрганишга қизиқиш айниқса кучайиб кетганлиги Америка матбуотида ҳам кўп марталаб эътироф қилинди.

Рус тили, деб ёзади «Уолл-стрит жорнэл» газетаси, жаҳонда инглиз тилидан кейин иккинчи илмий тил бўлиб қолмоқда, шу сабабли, Қўшма Штатларда ҳам бу тилни билиш эҳтиёжи кундан-кунга ўсиб бормоқда. Сунъий йўлдош учирилмасдан олдин Америкада рус тилини ҳаммаси бўлиб тахминан 16 минг киши ўрганаётган бўлса, бу йил кузда 600 та олий ўқув юртида 35 минг студент ва мактабларда 25 минг ўқувчи рус тилини ўрганишга киришади.

Ҳукумат ва турли фирмалар вакилларининг эътироф қилиб айтишича қараганда, деб ёзади «Уолл-стрит жорнэл» газетаси, ҳатто рус тилини ўрганаётган кишиларнинг шу қадар кўплиги ҳам «Совет Иттифоқининг техника соҳасидаги ва илмий муваффақиятлари» сабабли туғилган ҳамма эҳтиёжни қондиришга кифоя қилмайди.

ТУТҚУНЛАР МАКТУБИ

ПАРИЖ, 11 август. (ТАСС). Карабанчель (Мадрид) турмасидаги испан сиёсий маҳбусларининг «Монд» газетасида эълон қилинган мактубида «Бизнинг олиб бораётган курашимиз халқаро жамоатчиликка маълум эканлигини ва у бизнинг томонимизда эканлигини биламиз», дейилади.

Бу мактуб Франко Испаниясининг информация министри, Испанияда сиёсий маҳбуслар йўқ, балки оддий маҳбуслар бор, деб ялинда айтган гапи муносабати билан шу мактуб газетага юборилган.

«Министрнинг бу гапи, дейилади мактубда, ҳақиқатга бутунлай зид гапдир... Инсон ҳуқуқларининг умумий декларациясида эътироф қилинган ҳуқуқлардан фойдаланишни, яъни уюшмалар тузиш, йиғилишлар ўтказиш, сиёсий пропаганда олиб бориш ва касаба союз ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқларидан фойдаланишни Испаниянинг жиноят кодекси давлат хавфсизлигига қарши қилинган жиноят, деб ҳисоблайди.

Карабанчелдаги турмада шу юқорида айтиб ўтилган фаолият учун ҳукм қилинган бизга ўхшаш 52 сиёсий маҳбус ҳозир қамалиб ётибди».

«Бизни, дейилади маҳбус Испан антифашистларининг мактубида, сиёсий ишларни кўриш учун махсус тузилган жамоат тартиби трибунали суд қилди. Бизни репрессиялар қилиш билан шуғулланаётган ва ўзининг шафқатсизлиги билан танилган сиёсий — социал бригада агентлари қамоққа олган эди ва тергов қилган эди. Бизнинг орамизда шу махсус полициянинг қийноғидан қутилиб қолган киши йўқ. Ўртоқларимизнинг кўплари икки ҳафта нўр бўлиб қолдилар, ёки электр билан қийнаб сўроқ қилишлар натижасида беҳуш бўлиб ётиб қолдилар...».

«Монд» газетасида эълон қилинган шу мактубнинг охирида бундай дейилади: «Бизнинг қамалиб ётганлигимизни ва курашимизни Франко режимининг инкор қилишга уринишига йўл қўя олмаймиз».

Аҳвол кескинлигича қолмоқда

АФИНА, 13 август. ТАСС мухбири **А. Семин** хабар беради: Марказ иттифоқи партиясининг раҳбари Г. Папандреу ўз илтимоси билан кеча кечқурун король Константин ҳузурига бориб, мамлакатдаги сиёсий аҳвол тўғрисида у билан суҳбатлашди. Ўзи ҳокимият тепасидан четлаштирган Греция бош министри билан королнинг учрашуви бир ярим соат давом этди. Папандреу учрашувдан кейин матбуот учун баёнот бериб, бундай деди: Мен партиянинг сиёсий танглиқни ҳал қилиш хусусидаги позициясини королга баён қилиб бердим: ё парламентда кўпчилик ўрнига эга бўлган марказ иттифоқи партиясиниг раҳбари ҳукумат тузиш ҳақида мандат олиши керак, ё бўлмаса янги парламент сайловлари ўтказиш учун хизматчи ҳукумат тузилиши лозим.

Папандреу саройдаги арбоблар марказ иттифоқи партиясини ажратиб ташлашга уринаётганликларига қарши королга норозилик билдирган,

Король сизга нима деди, деган саволга Папандреу: «Король менинг гапимни эшитди, холос», — деб жавоб берди.

Кеча биноқорлар билан студентлар афинанинг марказида иккита катта митинг ўтказишди. Тўпланган минглаб кишилар Папандреунинг қонуний ҳукуматини қўллаб-қувватловчи шиорларни яқиллаб ва ҳалқ ҳаракатини ҳимоя қилиш ҳақидаги лозунгларни ёзилган плакатларни кўтариб, полиция билан такрор-такрор хитоб қилишди. Полициянинг броневик ва юк машиналарида келган катта-катта нарядлари Греция парламентининг биноси атрофидаги ҳамма йўлларни тўсиб қўйди.

Папандреу король Константин билан учрашгандан кейин кечқурун алла маҳалда расмий ахборот эълон қилинди. Ахборотда бундай дейилади: Король марказ иттифоқи партиясининг раҳбарига ҳукумат тузиш ҳақида мандат беришдан ҳамда мамлакатда янги сайловлар ўтказишга рози бўлишдан бош тортди.

ЯДРО ҚУРОЛИГА ҚАРШИ

ТОКИО, 11 АВГУСТ. ТАСС мухбири Г. ГАВРИЛЕНКО хабар беради:

Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланганига 20 йил тўлганлиги муносабати билан атом ва водород қуролига қарши конференциянинг бугун пойтахтдаги «Сякай Бунка Кайкан» залида халқаро қисми очилди.

Ядро қуролини таъқиқлаш учун курашувчи миллий конгресс (гэнсуйкин) томонидан чақирилган бу конференция ишида Японияниг турли жамоат ва сиёсий ташкилотларидан келган делегатлар, шунингдек СССР, Ҳиндистон, Англия, Франция, Монголия, Болгария, Чехословакия, Югославия, Венгрия, Жаҳон Касаба Союзлар Федерацияси вакиллари қатнашмоқда. Конференция қатнашчилари водород қуролини таъқиқлаш учун, Америкининг Вьетнамдаги агрессиясини дарҳол тўхтатиш учун, Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишларни тўхтатиш учун, халқаро тинчликни мустаҳкамлаш учун курашнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қиладилар.

Конференцияда Япония касаба союзлари бош кенгашининг секретари Иван сўзга чиқиб, конференция қатнашчиларини бош кенгаш номидан табриклади.

Япония социалистик партиясининг вакили Кацумата конференция қатнашчиларини табриклаб, нутқ сўзлади.

Конференциянинг эрталабки мажлисида Япониядаги тинчлик учун кураш ҳаракатининг атоқли арбоби профессор Моритаки конференциядаги Япония делегациясин номидан доклад қилди.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

Раис ковоғини солганича жим турарди. У ўзича «қўлимдан келмайди» дейишга журъат қилолмасди. Узоқдаги бригадаларга ўгит ҳам, техника ҳам кам ажратиларди. Бунга иқрор бўлиш учун раисда журъат етишмасди. «Одамлар ишёқмас» деган важни кўрсатиш унга қулайроқ эди.

Бу кишиларни ранжитарди. Хўжалик иккига бўлинганида қишлоқдаги ҳамма одамлар ўзларининг нимага қодир эканликларини бир кўрсатиб қўйишни дилларига тугдилар.

* * *

АНА ШУНИНГ учун ҳам «ранслиққа сайлаймиз» дейишганида Умринисо йўқ дея олмади.

Колхозни ёзнинг ўрталарида қабул қилиб олишга тўғри келди. У пайтда далаларда аҳвол чатоқ, ўз вақтида экилмаган ва кўнгилдагидек культивация қилинмаган, ўсимлик ривожланишдан орқада қолган, пайкалларда ғўзадан кўра бегона ўт кўпроқ ўсган эди. Умринисо ўз елкасига бошқаларнинг хаталари ва камчиликларини олаётганлигини тушунди. Қанчалик ишланмасин, барибир кутилган ҳосилни олиш мумкин эмаслигини фаҳмлади. Лекин бу ҳақда бировга гапириб бўлади дейсизми?! Унда «қўрқоқлик қилаяпти» дейишлари турган гап.

Инглишда «у ўзимизнинг синглимиздай гап. Шу ерда туғилиб ўсган, шу ерда ишлаган. Ҳаммамизни яхши билади. Биз ҳам унинг қандай ишлашини биламиз. Унга худди ўзимизга ишонганимиз каби ишонамиз...» дейишгани Умриханни анча ўнгайсизликка солди.

Умрихон ўз ташвишлари тўғрисида онасига ҳеч нима айтмади.

Уйда ўзини гўё тез ухлаб қолганга солар, ҳеч нима эшитмаганга оларди. Онаси бўлса оёқ учида уйнинг бир бурчагига ўтиб, пичирлаб дуо қиларди. Она худодан қизига ёрдам беришни тиларди: ахир хазилакамми, бир минг гектардан ортиқ-а. Ҳаммасига қизим жавобгар! Пахта эса бир нафас ҳам тинмай ишлашни талаб этади, буни оллонинг ўзи билади. Ғўзанинг ишловини бир кун кечиктирсанг, кейин ўн кун кечикиб кетасан. Йигим-теримда бир кунни беҳуда ўтказиб юборсанг, пахта ёғин-сочин остида қолиб кетади. Ана ундан кейин ҳосил паст сифат билан, ярим баҳосига ўтади. Қизимга машиналарни ҳам кўпроқ бериш керак: машиналар жадал ишлашади. Илгари хотин-қизлар то совуқ кунлар тушгунча икки букилиб пахта теришарди. Ахир уч-тўрт ойгача ҳар куни шу йўсинда ишлаш осонми?! Қизимни қулай об-ҳаводан ҳам қуруқ қолдирма....

Она янги ранса қандай ёрдам берилиши кераклиги тўғрисида анчагача пичирлаб ўтирди. Эҳтимол худо унинг қизини янглиштириб юбормасин учун бўлса керак, она фахр билан «менинг қизим — раис» деган гапни қайта-қайта такрорларди...

* * *

ҲАР БИР киши ўзи туғилиб ўсган жойни севади. Биз Ватанга муҳаббат деб атаймиз. Ана шундан кейин қаёққа ҳам кетишарди?» Бу — Умрининг сўзлари.

Мирза Каримов қандай доно одам-а! Айрим далаларни умрбод ўт босиб ётарди. Культиватор ўтган жойда ялдиз ернинг бетига чиқиб қолаверарди-ю, лекин бегона ўт бошқа жойдан «мана мен» деб унинг чиқаверарди.

— Келинг, ялдизга ҳақ тўлайлик, — деб таклиф қочиш пайига тушади.

— Ялдизга?

— Ҳа, ялдизга. Мен ҳисоблаб чиқдим. Агар ҳар бир килограмм ялдизни теришга атиги бир тийиндан ҳақ тўласак, далаларимизни тезда тозалаб оламиз. Бунинг ҳиссаси бу йил чиқмаслиги мумкин, лекин янаги йилга албатта чиқади.

Колхозчилар ҳали бунақа ишни кўришмаган эди. Ялдизга — пул? Одамлар елка қисишди. Ахир бунинг фойдаси ўз-ўзидан кўриниб турибди-ку! Юз килограмм ялдиз терсанг, бир сўм оласан. Улар ғайрат-шижоат билан ишлай бошлашди. Кунига 300, хатто 400 килограммдан теришди. Бу оддий арифметика. Шу арифметика туфайли далалардан 860 тонна бегона ўт ялдизи териб олинди. 860 тонна! Агар бу ялдизлар бегона ўт бўлиб ўсганида эди ғўзанинг озмунча сувига, озмунча ўғитига шерик бўлармиди!

Олтмиш учинчи йилги планнинг бажарилмай қолиши кишиларнинг ҳафсаласини пир қилмади. Навбатдаги ҳал қилувчи давр яқинлашабошлади.

* * *

ОЛТМИШ тўртинчи йилнинг якунларини олдинроқ айтиб қўяқолмоқчиман.

Планни анча ортиғи билан бажаришди. Катта майдонлардан кўтарилган хирмон гектар бошига 22 центнерни ташкил этди. Бу илгаригидан жуда катта фарқ қиларди. Негаки, кўп йиллардан бери бу ерда пахта ҳосилдорлиги 14 центнердан нарига ўтмаган эди.

Айрим пахта усталари эса 28 центнердан хирмон кўтаришди. Масалан, Юсуф Юнусов шунга эришди. Ёки бўлмаса Саидаҳмад Усмоновнинг звеносини олиб кўрайлик. Ҳа, ҳа, ўша яқинларда нефть базасида «керосинчи» бўлиб ишлаб юрган Саидаҳмаднинг звеносини. Унинг даромади ҳақида икки оғиз гап: бултур ҳар ойда ўртача 220 сўмдан пул олди: звенонинг ҳар бир аъзоси эса 128 сўм 50 тийиндан пул олди.

Кишилар билан суҳбатлашсангиз, бу ютуқларнинг боисини турлича тушунтиришади: уларнинг бири боиси раҳбарликда деса, бири ҳақ тўлашда, яна бери ўгитда дейди. Лекин асосийси — механизацияда, ишни янгичасига ташкил этишда. Ҳаммаларнинг фикри ҳам шундай.

Механизатор илгари қандай ишлар эди? Ишланган гектарларга қараб норма белгиланарди. Етти гектарни культивация қилсанг, нормани ўринлатасан. Табиийки, бунда кўпроқ норма ишлашга ошиқасан. Ҳаммадан бурун сифатни эмас, тракторни тезроқ юргизишни ўйлайсан. Звено бошлиги тракторнинг орқасидан югуриб юради, жаҳли чиқади, тезроқ ишлагин деб ялинади. Фойдали иш бўлса, механизатор тезроқ ҳаракат қилади, фойда чиқмайдиган бўлса, ўзини четга олиб қочиш пайига тушади.

Умринисога бўлса буларнинг ҳаммаси беш қўлдай аён эди. Экиш мавсумида кечалари уйқуга тўймайсан, кундуз кунлари ғаш эшитишдан қулоғинг тинчимайди. Йўқ, бу тартибни кўпориб ташлаш керак. Ялдиз-пилдизи билан кўпориб ташлаш керак. Механизатор — қишлоқда асосий фигура деяётган эканмизми, унинг зиммасига катта масъулият юклашимиз керак.

...Қишнинг узоқ кечаларида рансанинг кабинетидаги «штаб» ҳадеганда тарқалавермасди. Ишни қандай қилиб ўзгартириш кераклиги асосан маълум. Ҳамма ерни звеноларга тақсимлаб бериш керак. Ҳар бир звенога маълум бир майдон ажратилади, план белгиланади. Ерлар ҳар хил бўлгани учун планлар ҳам ҳар хил бўлади. Бунда агроном ҳамма нарсадан кўз-қулоқ бўлиб туриши лозим.

Ҳар бир звенога механизатор бошлиқ қилиб қўйилади. Унга технологик карта берилади. Энди у ишланган гектарлар учун эмас, балки етиштирилган пахтанинг тоннаси учун ҳақ олади. Звенодаги ҳисоб-китобларни ҳам унинг ўзи олиб боради.

Илгари сира учрамаган бир ҳолни қаранг: ҳамма колхозчиларнинг қўлларига қоғоз-қалам тутқазиб, стол атрофига ўтказиб қўйишди, уларга худди ишлари учун ҳақ тўлаганлари каби ўқишлари учун ҳам ҳақ тўлашади. Хулласкалом, бу оддий ўқиш эмас — кўплашиб маслаҳатлашиш, хомчўт қилиб ўқиш.

Мана масалан, звенода ишлаётган одамларнинг сонини олиб кўрайлик. Қишлоққа яқин бўлган звенода кўпроқ одам ишласа ҳам бўлади. Чунки унда пиллачилар ҳам ишлашлари мумкин. Бундай звеноларнинг аъзоларига тақсимланган ҳақ бошқа звенолардагига нисбатан камроқ бўлади. Нега деганда пиллачилар ўз мавсумларида бир юз эллик, ҳатто икки юз сўмдан ҳам кўпроқ пул ишлаб оладилар.

Моддий харажатлар тўғрисидаги модда нима ўзи? Иқтисод қилинган маблағларнинг 50 проценти звено аъзоларига бўлиб берилади деганимми? Мана бундай дегани: ҳар бир звено учун ёнилғи, ўғит, запас қисмлар, қопқанорларга кетадиган харажат миқдори белгиланган. Бу миқдор планда белгиланган ҳосилга бевосита алоқадор. Шунда сарф-харажатга келганда уддабуронлик билан иш юритасиз: ҳар бир килограмм ўтитни ҳисобда тутасиз, ҳар бир қопни йиртмасликка ҳаракат қиласиз. Мана сизга — қўшимча пул.

— Агар зарар бошлиги ҳисоб-китобни эмас, дейсизми? Унда ҳаётнинг ўзи ҳисобчи. Ҳаётнинг ўзи ҳисобчи. Ҳаётнинг ўзи ҳисобчи.

ЁШЛИК, МАРДЛИК, ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

«ПАРТИЯ ЁШ АВЛОДНИ БОЛАЛИК ЧОҒИДАН БОШЛАБ ЖИСМОНИЙ ЖИҲАТДАН СОҒЛОМ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШНИ, УЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ КУЧЛАРНИ УЙҒУН РАВИШДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШНИ ЎЗИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. БУ ЭСА ОММАВИЙ СПОРТ ВА ФИЗКУЛЬТУРАНИНГ БАРЧА ХИЛЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШНИ, ШУ ЖУМЛАДАН МАКТАБЛАРДА ҲАМ РИВОЖЛАНТИРИШНИ, АҲОЛИНИНГ ТОБОРА КЕНГ ТАБАҚАЛАРИНИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРНИ ФИЗКУЛЬТУРА ҲАРАКАТИГА ЖАЛБ ЭТИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ».

(КПСС Программасидан).

ОММАВИЙЛИК УЧУН

Ўзбекистон спортчилари янги-янги чўққиларни забт этмоқдалар. Ўн мингдаб йигит ва қизлар республикамиз спорт ҳаётида актив иштирок этаётирлар. Ўз сафларида 180 мингга яқин физкультурачини бирлаштирган Тошкент области спортчилари ҳам ана шу ҳаракатда салмоқли ўрин тутадилар. Пойтахт область спортчилари орасида номлари узоқ-узоқларга ҳам машҳур бўлган ёшлар оз эмас. Енгил атлетикачилардан Терешченкова, Скориков, Кузьмин, Шадрин, Кочетков, полвонлар Абайдуллин, Пайтелеев, Турсунов, шахматчилар Клара Ким, Н. Шевцова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳар йили областимиз шаҳар ва қишлоқ районларининг кўпчилик ёшларини жалб қилган спортнинг 30 дан ортиқ тури бўйича оммавий мусобақалар ўтказилиб турибди. Бу йилги енгил атлетика, оғир атлетика, бокс, кураш ва спортнинг бошқа кўп турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда область ва республика рекордлари қўйилди. Областимиз спортчиси Валентина Терешченкова ядрони 14 метр 50 сантиметрга, дискни 47 метр 25 сантиметрга улоқтириб, республика рекордини қўйди. Шунингдек Н. Скориков, А. Кузьмин, И. Шадрин ва бошқалар ҳам ўз соҳалари бўйича республикада рекорд қўйдилар.

Ҳозирги вақтда областимиз қишлоқ ёшлари республикада ўтказилаётган катта спорт анжумани — VII қишлоқ спартакиадасига тайёргарлик кўрмоқдалар. Спортчилар ана шу спартакиадага йил бошидан бери тараддуд кўриб келаётирлар. Энг аввал мусобақалар физкультура коллективларида район ва қишлоқ матлубот жамиятларида ўтказилди. Шуни қувонч билан қайд қила оламизки, бу мусобақалар район биринчиликлари даражасида ўтди ва ниҳоят область спартакиадасига уланиб кетди. Республика спартакиадасига областимиздан 30 минг спортчини бирлаштирган 216 коллектив келди. 2356 киши спорт разрядлари нормасини бажарди, 11 минг 252 киши биринчи ва иккинчи даражали ГТО значокларига эга бўлди. Тошкент областида спортнинг оммавийлигини таъминлаш ҳамда спортчиларнинг маҳоратини ошириш мақсадида янги ишоотлар бунёд этилмоқда. Оҳангаронда янги стадион қурилиши бошланди. Свердлов номли колхозда стадион қуришга киришилди. Бўка районининг марказида спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Областнинг кўпчилик районларида турли хил спорт майдончалари қурилаяпти.

Бу соҳада Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида ибратли ишлар қилинаяпти. Колхоз партия, комсомол ташкилотлари ва правлениеси раҳбарлари физкультура ва спортга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Маълумки спорт коммунистик жамият кишисини тарбиялашга ёрдам беради. Ҳозир бу хўжаликда 3260 киши физкультура ва спорт билан шуғулланади. Колхозчилар бўш вақтларида енгил атлетика, футбол, баскетбол, стол тенниси, волейбол, шахмат ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишга одатланиб қолишган. Колхоз правленеси спортчилар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиб келаётир. Правление янги стадион қурилиши учун бир миллион сўм ажратди. Ҳозир стадион қурилиши қизғин бошлаб юборилди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида ҳам ёшлар ўртасида физкультура ва спорт оммавий тус олган. Хўжалик правленеси колхозчи-спортчи ёшларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси областимиз спортчиларига янги-янги ютуқларни қўлга киритиш учун имконият туғдиради.

Ҳозир яна бир муҳим мусобақага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. 20 августда область хотин-қизлар спартакиадаси очилади. Бу спартакиада қизлар ўртасида спортни оммалаштиришда катта роль ўйнаши шубҳасиз. Қизлар енгил атлетика, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка бўйича мусобақалашадилар. 400 дан ортиқ спортчи қиз чемпионлик номини олиш учун стартга чиқади. Мусобақа ғолиблари Тошкент область терма командасини ташкил қиладилар. Область командаси республика спартакиадасида иштирок этади. Областимиз спортчи қизларининг терма командаси республика спартакиадасида юқори ўринлардан бирини эгаллашига шубҳа йўқ.

Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар Кунида областимизнинг барча спортчиларини қизғин табриклаймиз ҳамда уларга бўлажак мусобақаларда омад тилаймиз. Меҳнатда ва спортда янги муваффақиятлар ва оммавийлик сари!

Н. ЖАЛОЛОВ,

Тошкент область спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи советининг раиси.

БАЙРАМГА СОВҒАМ

Бугун Бутуниттифоқ физкультурачилар Кунини кичик бўлса ҳам совға билан кутиб олаётганлигим билан бахтиёрман. Мен 7-синфда ўқийман. Шахматни севаман. Соатлаб вақтларимни шахмат тахтаси устида ўтказаман. Устозим Шахзода раҳбарлигида маҳоратимни ошириб келяпман.

Куни кеча Минскда ўтказилган «Спартак» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг биринчилигида мен ҳам қатнашдим. Аввалига мен бироз чўчидим. Катта мусобақаларда қатнашиб, бой тажриба орттирган шахматчилар билан беллашиш осон эмас эди. Бироқ кутганимдан ҳам яхши бўлди. Дастлабки ғалабалар менга руҳлантириб юборди. Кейинги партияларни ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб, биринчи фахрли ўринга чиқдим. Бу менинг эндигина бошланаётган спорт ҳаётимда унутилмайдиган воқеа бўлиб қолади. Мен бу ютуғимни Физкультурачилар байрамига бағишлайман.

А. МКРТИЧЯН,
1-разрядли шахматчи.



Яқинда Ленин номли комсомол кўлида кема модельчиларининг мусобақалари бўлиб ўтди. Суратда: мусобақа қатнашчилари паради.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

● Агар СССР халқлари II спартакиадаси арафасида республикамизда физкультурачилар 702756 киши бўлган бўлса, ҳозир улар сони 1561625 га етди.

● Бундан беш йил муқаддам 40 мингдан сал зиёд разрядли спортчилар тайёрланган эди. Ўтган 1964 йилнинг ўзида 183 мингдан ортиқ разрядли спортчи етишиб чиқди.

● Ўтган йили 155 спортчи энг юксак ном — СССР спорт мастери нормативини бажарди. Бундан беш йил олдин эса, ана шундай номга 56 спортчи сазовор бўлган эди, холос.

● Ўзбекистонда 7448 та бошланғич физкультура ташкилоти бор.

● Узбекистон давлат физкультура институти қучоғидан ҳар йили юзлаб физкультура кадрлари етишиб чиқаяпти.

● Республикамизда 50 та стадион, 537 та комплекс майдончалар, 1452 та футбол майдонлари, 1182 та баскетбол ва волейбол майдонлари, 741 та спорт гимнастикаси зали бор.

● Сўнгги беш йил мобайнида Узбекистон спортчилари 39 та халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказдилар.

КОМБИНАТ СПОРТЧИЛАРИ

Бу ерни спорт шаҳарчаси деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта. Ёшлар ғайрати билан жамоатчилик асосида қад кўтарган спорт шаҳарчасида волейбол, баскетбол, теннис майдонлари, югуриш секторлари, сув хавзаси ва стадион бор. Электрохимия комбинати спортчилари ишдан кейин шу ерда маҳоратларини оширадилар, чиниқадилар, тобланадилар.

Ана, футбол майдонида спорт клуби ҳузуридаги «Химик» командаси машқ қилаяпти. Чирчиқлик футболчиларни ким ҳам танимайди дейсиз. Бир неча йил Узбекистон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб келган, чемпион бўлган, Узбекистон кубогини қўлга киритган бу коллектив ҳозирда мамлакат биринчилиги учун «Б» классда мастерлар сафида қатнашмоқда. Футболчиларга тажрибали устоз А. Григорянц таълим беряпти. Штанга, кураш, велоспорт секциялари ниш ҳам яхши йўлга қўйилган. Штанга секциясига спорт мастери Валентин Сичев раҳбарлик қилади. Аппаратчилар Д. Абдурахмонов, А. Конновлар, пайвандчи В. Михеревлар тўгаракка аъзо бўлганларига унча кўп вақт бўлмасада 2-разряд нормативини бажариб, ҳозирда 1-разряд программаси асосида машқ қилишяпти. Спорт мастери М. Хамзаев эса полвонлар секциясига бош. Бу тўгарак ҳам «Чимён» спорт клубининг энг етакчи секцияларидан ҳисобланади. Спорт мастери В. Терешченко эса «Химик» футболчиларига муносиб ўринбосарлар етказиб бериш билан машғул.

Бугун Москвада касаба союз спортчиларининг Бутуниттифоқ VIII спартакиадаси байроғи туширилади. Спортчиларнинг Бутуниттифоқ форумида «Чимён» спорт клубининг вакили ҳам бор. Бу 1-разрядли Николай Скориковдир. Ў енгил атлетикачилар составида пойтахтга бориш шарафига муяссар бўлди.

Биринчи разрядли гимнастикачилар Н. Масланова, М. Килдеева, шахматчи Р. Абдулқосимов, баскетболчилар В. Шчербаков, В. Волиншчиков, Ю. Епифановлар меҳнатда ҳам, спортда ҳам бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

— Физкультурачилар Кунини дейди, — спорт клуби раиси ўртоқ Е. Волков, — кичкина бўлса ҳам меҳнат совғаси билан кутиб олаётирмиз. Спорт билан шуғулланувчилар сонини 2200 кишидан ошириб юбордик. Битта спорт мастери, 3 та биринчи разрядли, 12 та иккинчи разрядли ва 33 та ёшлар разрядли спортчилар тарбиялаб етиштирдик. 150 га яқин киши ГТО значкисти бўлди. 25 та жамоатчи инструктор, ва 38 та спорт судьялари тайёрладик. Байрам шарафига ёшлар спартакиадасини ўтказяпмиз.

Спорт бу ерда ёшларнинг севимли машғулотига айланган.

Ш. УМУРЗОҚОВ.
Чирчиқ шаҳри.

ФУТБОЛ

Олтин ёз. Тошкентнинг дилбар оқшоми
Қуёш чарчаб, кўкдан юмалар, ғарбга.
Юракка ҳис қуяр байрам илҳоми...
Учар тўп майдонда тоб бермай зарбга.
«Пахтакор» майдони, лиқ тўла одам
Айланма ўртаси ямяшил бахмал.
Йигитлар тортишиб тўпланса бир дам.
Ўртадан учар тўп — капалак зарҳал,
Баъзан сув қуйгандай ҳамма қолар жим
Тўп кетса визиллаб «Пахтакор» томон.
Ёки рўпарага югурса туркум
Гуриллар аламон, ҳуштак ва сурон.
Бири дер:— «Динамо» бутунги ғолиб,
Бири дер: — «Пахтакор» қозонар зафар.
Баъзан ўчакишар тортишиб қолиб,
Баъзан қувончлардан бир-бирин ўпар.
Йигитлар майдонда, мусобақада
Шамолдай югуриб, дам олмас бирон.
Ишқибозлар эса мунозарада
Чекдилар изтироб, қувонч — хаяжон.
Бу ўйин навқирон ёшлик қудратин
Мусаффо булоқдек кўрки, ойнаси.
Даврада дўстларнинг моҳир суръатин
Кўрсатар чаманзор Тошкент сийнаси.
Ҳайқирган ҳаётнинг бутун равишн,
Ёшликнинг мафтуни — тўп ишқибозин.
Қалбида ҳаяжон, фараҳ, ҳоҳиши
Тўлқинлар ичида юрак парвози.

Холид РАСУЛ.

«ПАХТАКОР» САФИ ЎСАВЕРСИН

Бугун Бутуниттифоқ физкультурачилар Кунини қишлоқ спортчилари икки томонлама байрам қиладилар. Улар эпчиллар, кучлилар, жасурлар кунини нишонлаш билан бирга «Пахтакор» жамияти республика VII спартакиадасини ўтказадилар. Бугун кечқурун соат 18.30 минутда «Пахтакор» стадионида қишлоқ спортчилари спартакиадасининг байроғи кўтарилади. Барча область ва автоном республиканинг мингга яқин спортчилари бир ҳафта давомида спортнинг енгил атлетика, оғир атлетика, эркин ва классик кураш, миллий кураш, волейбол, шахмат, шашка ва велосипед турлари бўйича беллашадилар.

Спартакиада байроғи кўтарилгандан сўнг енгил атлетика бўйича мусобақалар бўлади. Сўнгра республика биринчилиги учун Тошкент область Димитров номли колхоз командаси билан «Пахтаорол» совхози футболчилари ўртасида матч бўлади.

«Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти 1951 йилда ташкил топган. Ҳозирда унинг 1650 физкультура коллективида 400 мингга яқин физкультурачи бор. Фақат ўтган бир йил мобайнида қишлоқ спортчилари сафидан иккита спорт мастери, 25 мингдан зиёд разрядли спортчилар, 45 мингдан ортиқ ГТО значкистлари, кўплаб жамоатчи тренерлар, спорт судьялари етишиб чиқди.

Бутуниттифоқ физкультурачилар Кунида республикамиз қишлоқ спортчиларига ўқишда, меҳнатда ва спортда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз. Уларга сафингиз ўсаверсин, рекордлар қўяверинг, Ўзбекистон спорт байроғини янада баланд кўтаринг, деймиз.

«Меҳнат» сув станцияси ҳар қачон сузувчи спортчилар билан гавжум. Бу ерда республикамизнинг энг кучли спортчилари бўлажак мусобақаларга тайёргарлик кўришади. Суратда: машқ пайтида.

БУГУН ЯКУНЛОВЧИ КУН

Бугун Ватанимиз пойтахти Москвада икки ҳафта давом этган касаба союз спортчиларининг Бутуниттифоқ VIII спартакиадасига якун ясалади. Республикамиз спортчилари Бутуниттифоқ спортчилар форумида қандай қатнашишди?

Узбекистон терма командасига полвонлар, самбочилар, велосипедчилар, гимнастикачилар энг кўп очко олиб беришди. Улар умумкоманда ҳисобида фахрли олтинчи ўринга чиқишди. Л. Величко тренерлик қилаётган баскетболчи аёллар командаси муваффақиятлари бизни хурсанд этади. Баскетболчиларимиз умумий бешинчи ўринга чиқишди.

Сузувчиларимиз ҳаммадан ҳам яхши натижаларга эришдилар. Улар ўнта олтин медаль эгаси бўлишди. С. Бабанина, Н. Устинова, Р. Манина, А. Кисилева, Н. Дергачева ва бошқалар олтин, яна бир неча вакилимиз кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Огир атлётикачи Ю. Расчеснин шахсий ҳисобда иккинчи ўринга чиқди ва кумуш медаль билан мукофотланди. Г. Петросов эса бронза медалига эга бўлди. Самбочилар Олимов ва Фозиловлар ўз уйларига битта кумуш ва битта бронза медали билан қайтишяпти. Гимнастикачи Парфенов брусьеда иккинчи ўринга чиқди ва кумуш медалга сазовор бўлди. Гандболчиларимиз ҳам муваффақиятли қатнашиб 1—6 ўринлар учун даъвогар бўлган группага киришди.

Волейболчиларимиз, мерганларимиз, эшкак эшувчилар ва классик курашчиларимиз имкониятлардан анча паст даражада қатнашишди. Улар сўнгги ўринларни эгаллашди. Кечагина олинган маълумотга қараганда, Узбекистон касаба союз терма командаси 9-ўринни эгаллаб турибди.

П. КОНОВАЛОВ,
Узбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи марказий Совети спорт федерациялари бюросининг масъул секретари. Бутуниттифоқ категорияли судья.

ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙМИЗ

Бугун биз пахтакорчилар, физкультурачилар Кунини жонажон Тошкентимизда эмас, балки Москвада ўтказаётирмиз. Лекин қалбимиз, хаёлимиз сизлар билан бирга. Бугун Тошкентимизнинг кўплаб спорт базаларида бўладиган байрам тантаналарида бизни ўз сафингизда деб ҳис қилинг. Байрам арафасида бизга Узбекистон спорт жамоатчилиги, қолаверса совет спортчилари катта ишонч билдиришди. Бугун Москвадан Грециягa йўл оламиз. Афинада иккита, Солоника шаҳрида битта халқаро ўртоқлик матчи ўтказамиз. Командадош дўстларим номидан шундай демоқчиман: бизга билдирилган ишончни қўлимиздан келганича оқлашга ҳаракат қиламиз. Байрамингиз қўнгилли ва мазмунли ўтсин, тошкентлик спортчи дўстларим!

Эркин АБДУРАНМОВ,
«Пахтакор» командасининг ўйинчиси, СССР спорт мастери.



Байрам куни арафасида «Старт» спорт клуби спортчилари ажойиб совғага эга бўлишди. Бу ерда сузувчилар учун янги хавза қурилди. Бугун физкультурачилар кунида хавзада дастлабки мусобақалар бўлади.

И. Зайниддинов фотолари.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Бугун Бутуниттифоқ Физкультурачилар куни («Пахтакор» стадионидан). 19.35 — Телевизион янгиликлар. 19.50 — Муслим Магамаев куйлайди. 20.40 — Пташкин қиссаси (бадиий фильм).

21.50 — Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида: 21.55 — Телевизион янгиликлар, 22.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Тракторчилар — «СПУТНИК» (кундуз 12, кеч 8 ва 10 да).

Скарамуш — САНЪАТ САРОЙИ. НАВОИЙ номли. «УЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК (тоқ соатларда).

Меҳрибон оила — «СПУТНИК» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да).

Нотаниш аёлнинг хати — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9.45 минутда).

Хор табаҳа (Ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кеч соат 7.50 минутда).

Кичик рицарлар — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9 да бошланади)

Скарамуш — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли. НАВОИЙ номли.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — КАФАНОВ номли.

Чақириқ (1 ва 2-серия) — «ВАТАН».

Никоҳсиз туғилганлар — «1 МАЙ».

Тошкент шаҳар Куйбишев ошхоналар трестининг Тельман номли парндаги

1-ошхонаси

ҳар куни эрталаб соат 11 дан кеч 10 гача

ИШЛАЙДИ

(танаффус — кундуз соат 5 дан кеч 6 гача).

ОШХОНАДА ҲАР ХИЛ МИЛЛИЙ-ЕВРОПАЧА

ОВҚАТЛАР,

иссиқ ичимликлар, совуқ закусканалар, сут ва сабзавотдан тайёрланган таомлар ва совуқ ичимликлар бор.

Ошхона тўй, юбилей ва кечаларга хизмат қилиш учун заявкалар қабул қилади.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши Қурилиш материаллари бошқармасининг

ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

қуйидаги ошиқча буюмларни

сотади

«ТЭЗ-511» маркали, 3 тоннали янги электр таль — 20 дона;

«ТЭ2-511» маркали, 2 тоннали янги электр таль — 20 дона.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Малобешагачская кўчаси, 91-уй. Телефон 5-17-27.

ПАХТАЧИЛИК МАШИНАЛАРИ ДАВЛАТ МАХСУС КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

слесарлар, токарлар, фрезерчилар, электросваркачилар, такелажчилар, монтажчи ишчилар, шлифовкачилар, қозон слесарлари, конструктор-инженерлар, инженер-нормаловчи

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Жуковский кўчаси, 52-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

БАШНЯ КРАНЛАРИ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

башня кранлари машинистлари, монтажчи слесарлар, темир йўл слесарлари, ускуна ва механизмларни ремонт қилувчи слесарлар, электрикчилар, сваркачилар

КЕРАК

Елгиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент шаҳар, Сапёрная кўчаси, 10-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ТОШКЕНТ КОНСЕРВА ЗАВОДИГА

ишчилар (аёллар), юнчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Луначарский шоссе, 101-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (1, 2, 4, 20, 41, 74-автобуснинг «Консерва заводи» остановкаси).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятлар ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 10644 Индекс 64969. Нашр. № 1825.